VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O‘ZBEKISTON “MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH


10 (19) 2009 йил 11 март, чоршанба • Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси e-mail: milliyt@sarkor.uz



Зулфияхоним қизлари

Аёл! Табиатнинг буюк мўъжизаси. Унинг нозик жуссасида дунёнинг жамики гўзалликлари мужассамдек гўё.


➔ 3-бет



Қутичалардаги инсоният қудрати

Яқинда Швейцарияда дунёнинг йирик автоконцернлари томонидан ишлаб чиқарилаётган энг сўнгги русумдаги автомобиллар кўргазмаси бўлиб ўтди. Бир-биридан чиройли, арзон ва энг муҳими, ҳар томонлама қулай бўлган мазкур транспортларни кўриб, автоконцернлар жаҳонда юз бераётган молиявий инқирозга янада бежирим, ихчам маҳсулотлари билан жавоб бераётгандек туюлди. Мутахассислар фикрича, келгусида автомобилларни “сотка” орқали бошқариш имконияти яратилади!

➔ 7-бет



Чизгиларда акс этган хаёл

...1965 йиллар. Темурнинг Ғаллаорол туманидаги ҳозирги Амир Темур номли мактабни тугаллаган чоғлари. У Самарқандга боради. Ўша пайтларда нураб, бузилиш арафасида турган Бибихоним ва бошқа осори-атиқаларни кўриб, кўзига ёш олади...

➔ 8-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 2-бет
Ёшлар етакчилари сайланяпти
Сессия кун тартибига таклиф киритилди
ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
Тадбирлар кўлами кенгаймоқда
Имконият ва масъулият
НИГОҲ 4-бет
Экологик маданият
Малакали ҳамширалар
Янги технологиялар
ЖАРАЁН 5-бет
Йўл ҳаракати хавфсизлиги
Бахтли бўлиш учун яралган аёл
МАЪНАВИЯТ 6-бет
Йилбошига йўлдош ўйинлар
“Қуш уясида кўрганини қилади”
“Сув ёқалаб”
ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
Тадқиқотчилар
Дунёдан дараклар
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ 8-бет
Соғ танда соғлом ақл
Турфа олам



ЎзМТДП «Ёшлар қаноти» аъзолари ўзаро мулоқотда

ЎзМТДП ҲАЁТИ

Фаолиятимиз самараси

амалий ишларда намоён бўлади

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Навоий вилоят кенгашининг кенгайтирилган пленуми ва «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да ЎзМТДП фаолиятининг асосий йўналишлари мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда партия вилоят кенгаши аъзолари, ЎзМТДПдан сайланган маҳаллий кенгашлар депутатлари, партия туман ва шаҳар кенгашлари Ижроия қўмиталари раислари, партия фаоллари иштирок этишди.

Йиғилишда сўзга чиққан ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси Раиси Ахтам Турсунов шу кунларда барча партия ташкилотларида ўтказилаётган йиғину машваратларда ўтган йилдаги фаолиятимиз чуқур таҳлил қилиниб, зарур хулосалар чиқарилиб, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури асосида партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ишлаб чиққан иш режаси ижросини таъминлаш бўйича амалий ишлар кўлами кучайтирилмоқда, деди.

- Бугун олдимизда ЎзМТДП дастурий мақсад-ғояларини кенг оммага тарғиб-ташвиқ қилиш вазифаси турар экан, бу борада, яъни – миллий қадрият ва анъаналаримизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг ватанпарварлик ва маънавий жасорати руҳида тарбиялашда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари биз учун дастуриламал бўлиши керак, деб ўз сўзини давом эттирди партия раҳбари.

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш ва бу борада Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги Президентимиз маърузасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ташкилотлари ҳам фаол иштирок этишлари лозим. Қишлоққа саноатни олиб кириш, касаначиликни ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини, биринчи галда ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, қишлоқларимизни ободонлаштириш ишларига ҳар томонлама кўмаклашишимиз керак. Айниқса, қишлоқларда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳамда оммавий спорт тадбирларини ўтказишни янада кучайтиришимиз, ушбу масалаларда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигимизни кучайтириш олдимизда турган бош вазифалар сирасига киради.

(Давоми 3-бетда)

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ватан кўзгуси

Саидаҳрор ҒУЛОМОВ,
ЎзРФА вице-президенти, академик

Тошкент ўзининг залворли 2200 йиллик тарихи давомида кичкина мудофаа девори билан ўралган қўналғадан жаҳондаги йирик шаҳарлардан бири-Ўзбекистон Республикасининг пойтахти мақомигача бўлган олис йўлни босиб ўтди. Шаҳар дастлаб Чоч номи билан аталган.

Қадимги турк тилида “Чоч”-“Ши” атамаси “Марварид” деб юритилгани таъкидланади. Дарвоқе, Хитой манбаларида Чоч пойтахтининг жанубий шарқида катта тоғ бўлиб, у ердан қазиб олинган қимматбаҳо яшил марварид тошлар Марказий ва Шарқий Осиёни таъминлагани ёзилган.

Орадан асрлар ўтиб, бу ерларда ҳам шаҳарлар тараққий топа бошлади. Араб истилосидан кейин “Чоч” атамаси “Шош”га айланди. Бу даврда шаҳарсозлик ишлари авж олди, Шош, сўнгра Бинкат, Тошкент номларини олиб, ўрта асрларга келиб йирик шаҳарлардан бирига айланди.

Эъ иборли жиҳати шундаки, Абу Райҳон Беруний ўз асарларида X асрда Шош-Бикантни биринчи бўлиб, “Тошкент” деб атайди, XI асрнинг биринчи ярмида машҳур турк олими Маҳмуд Қошғарий ҳам “Тошкент” номини қайд қилган. Манбаларда XVIII асргача Тошкент баъзан Шош шаҳри деб ҳам қайд қилинганини кузатиш мумкин. Тошкентнинг майин ҳавоси, мафтункор табиати, ҳускор боғларини шоир ва санъаткорлар меҳр-муҳаббат билан мадҳ этишган. Шаҳар оралаб ўтадиган Бўзсув, Салор, Анҳор, Қорасув, Оққўрғон, Бўрижар, Оқтепа, Қорақамиш каби анҳор, сой ва мусаффо булоқларининг шифобахш сувлари ҳақидаги гаплар тарихий манбаларда ҳам учрайди.



Юртбошимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият- енгилмас куч” асарида Тошкентнинг энг кўркам жойлари бир пайтлар Ленин, Маркс, Энгельс, Луначарский, Киров, Ворошилов, Лопатин номи билан аталгани ҳақида гапириб “шуниси ажабланарлики, большевиклар партиясининг доҳийлари бўлмиш бу инсонларнинг биортаси ҳам умрида юртимизга қадам қўймаган, бизнинг тарихимиз ва қадриятларимизга мутлақо алоқаси бўлмаган кимсалар эди. Ёки шаҳардаги аксарият турар-жой мавзелари “Ц-1”, “Ц-2”, “Ц-5” деган, одамда ҳеч қандай ҳис туйғу, хотира уйғотмайдиган мавҳум номлар билан атаб келинганини эслайлик. Буларнинг барчаси замирида совет мафкурасига хос бўлган, одамзотни тарихий хотира, Ватан туйғусидан жудо қилишга қаратилган ғаразли интилишлар мужассам эканини англаш, тушуниш қийин эмас”, деб ёзадилар.

Айтиш жоизки, ота-боболаримиз ўзлари яшайдиган маҳалла, гузар, қишлоқ ва шаҳарларга ниҳоятда муносиб номлар беришган. Юртбошимиз ўз китобларида “Тошкент ўн икки дарвозасига берилган чуқур маъноли, гўзал номларни олайлик. Самарқанд, Бешёғоч, Кўкча, Чиғатой, Сағбон, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Камолон, Қўймас, Қўқон, Қашқар дарвоза деган номлар аввалambор ўзининг аниқ тарихий-жўғрофий маъноси билан ажралиб туради. Қадимий номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган.

(Давоми 5-бетда)

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Хуршид Дўстмуҳаммедов олиб борди.

Қонун лойиҳалари

фракция аъзолари томонидан муҳокама қилинди

Сарвар ХУРРАМОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Унда Қонунчилик палатаси ялпи йиғилишининг муҳокамасига киритилиши назарда тутилаётган қонун лойиҳалари, жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66-моддасининг 1-қисмига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида ўзбек-тожик Давлат чегараси тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақида”ги, “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар 2001 йилда ярашув институтини киритишга имкон яратган эди. Бу, ўз навбатида, жиноят ишларини ҳал этишнинг самарадорлиги ва тезкорлигини оширди. Таъкидлаш жоиз, ушбу институт айбдор шахсга содир этган қилмиши учун масъулиятни ҳис этишга ва пушаймон бўлишга имкон бериб, ҳамда жабрланувчига етказилган моддий зарарнинг ихтиёрий равишда қопланишини таъминлайди.

(Давоми 2-бетда)

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Қонун лойиҳалари

фракция аъзолари томонидан муҳокама қилинди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Амалдаги қонунчилик ўрганилганда, 2002 йилда ярашганлиги муносабати билан 8,7 минг нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 21,8 мингни ташкил этган. Ярашув институтини ЖКнинг 66-моддаси 1-қисми таъсири доирасига тушувчи, содир этилиши характери ва ижтимоий хавфлилик даражаси бўйича ўхшаш бўлган яна 11 та жиноят таркибига кенгайтириш имконияти мавжудлигини кўрсатди. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан тақдим этилган қонун лойиҳасида шулар инобатга олиниб, ЖКнинг 66-моддаси 1-қисмини янги таҳрирда баён этиш ва бу борада уни қайд этилган жиноят таркиблари билан тўлдириш таклифи киритилган. Мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишда фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

Мазкур Қўмита томонидан тақдим этилган "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

- Халқимизнинг бир неча минг йиллик бой ва бебаҳо тарихий, маданий ва маънавий меросини тиклаш, сақлаш, ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди,- деди сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Насим Алимов.-Президентимиз ташаббуси ва раҳбарлигида дунё халқлари ҳайратини уйғотиб келаётган ранг-баранг ва бой археология меросимизни муҳофаза қилиш, татқиқ этиш ҳамда уларни келажак авлодларга бус-бутунлигича етказиш борасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Қўмитамиз томонидан муҳокамага киритилган "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг тайёрланишидан асосий мақсад шуки, амалдаги "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунда археология ёдгорликларини бошланғич консервация қилиниши, бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот тақдим этилиши ва топилган ашёлар маълум бир тартибда давлатга топширилиши белгиланган холос. Унда маданий мерос объектларига умумий ёндашув мавжуд бўлиб, археология ёдгорлиги тушунча сифатида ёритилмаган. Бундай бўшлиқни тўлдириш ва мавжуд муаммоларнинг ҳуқуқий ечимини топиш мақсадида мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида ўзбек-тожик Давлат чегараси тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари томонидан маъқулланди. Иккинчи ўқишда муҳокамага қўйилган "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси юзасидан ҳам фракция нуқтаи назари ишлаб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.



ТАДБИР

Илмий-амалий семинар

унда Олмалиқ шаҳар иқтисодиётини ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди

Камолиддин ҲОТАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази, Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳамда Навоий Давлат Кончилик институти билан ҳамкорликда Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 13 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия шаҳар ва туман кенгашлари Ижроия қўмиталари раислари, ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ходимлари иштирок этишди. Семинар қатнашчилари шаҳарда саноатни янада тараққий эттириш ва бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўллари, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш орқали янги иш ўринларини яратиш масалаларига эътибор қаратдилар.

Семинарни олиб борган Навоий Давлат Кончилик институти декани Абдурашид Ҳасанов Олмалиқ саноати етказиб бераётган маҳсулотлар республика иқтисодиётида салмоқли ўринга эга эканлигини таъкидлади.

Сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Эркин Юсупов "Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва диверсификация жараёнлари" мавзусидаги маърузасида мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жаҳон молиявий инқирози шароитида ижобий самара бераётганлигини айтиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг Олмалиқ шаҳрида бажарилиши юзасидан истиқболли режалар белгилаб олинди. Шунингдек, ҳудуднинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш бўйича бир қатор таклифлар билдирилди.

КОНФЕРЕНЦИЯ

Ёшлар етакчилари сайланяпти

Дилноза ҲАЙИТОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда ёшларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш ва шу орқали жамият ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиш, ўз ғоялари, мақсадларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш мақсадида партия маҳаллий кенгашлари "Ёшлар қаноти"нинг таъсис конференциялари ўтказилмоқда. Уларда партиянинг ёш, фаол, ташаббускор аъзолари иштирок этишяпти.

Уларда партия ҳудудий кенгашлари томонидан ёшлар масалалари бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, шу асосда таклифлар ўрганилиб чиқилмоқда. Айни вақтда конференция делегатлари томонидан жамоатчилик ишларида фаол, партия мақсад ва вазифаларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ қила олиш фазилатларига эга ёшлар "Ёшлар қаноти" етакчилигига сайланмоқда.

Шундай руҳдаги таъсис конференциялардан бири ЎзМТДП **Уйчи** туман кенгашида ўтказилди. Уни ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Д.Баннаева бошқарди. Дастлаб, партия туман кенгашининг 2008 йилдаги фаолияти таҳлил қилинди. Ушбу масала муҳокамаси чоғида сўзга чиққанлар эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган хато-камчиликлар юзасидан фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар билдирдилар. Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Партия туман кенгаши "Ёшлар қаноти" раислигига Нодирбек Тошбоев сайланди. Шунингдек, ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" таъсис конференциясига делегатлар сайланди. Мазкур масалалар юзасидан ЎзМТДП **Наманган** шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти"нинг таъсис конференцияси ҳам бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Раҳматуллаев, партия вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" раиси Н.Қодиров иштирок этишди.

ЎзМТДП **Самарқанд** шаҳар кенгашининг Самарқанд Давлат университетида ўтказган "Ёшлар қаноти" таъсис конференцияси университет талабалари иштирокида бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор Мавлон Жўрақулов, профессор С.Каримов, Ж.Лаханов, Ж.Хўжаев, ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ў.Қаршиев ёшларнинг сиёсий қарашларини ўстириш, уларнинг жамият ҳаётида ўз ўрнини топишига кўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурий мақсадларида белгиланганлигини таъкидлашди. Конференцияда университетнинг тарих-фалсафа факультети биринчи босқич магистранти Ахрор Эшмуҳаммедов партия шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти"га етакчи этиб сайланди.

— Партия ёшларнинг мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани уларни янада фаолликка ундаяпти,-дейди ЎзМТДП **Жомбой** туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Олимжон Ҳамзаев.— Бу жойларда ўтказилган "Ёшлар қаноти"нинг таъсис конференцияларида яққол кўзга ташланяпти. Ёш делегатлар партия "Ёшлар қаноти" Низоми лойиҳаси юзасидан таклифлар билдиришяпти. Бизнинг "Ёшлар қаноти" таъсис конференцияси Жомбой туман Енгил саноат касб-ҳунар коллежида ўтказилди. Унда ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши, "Камолот" ЁИҲ туман бўлими, "Катта қишлоқ" маҳалласи ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди. "Ёшлар қаноти" туман кенгаши етакчилигига Маҳфуза Холмирзаевани сайладик. Етакчимиз ёшлар руҳиятини яхши биладиган, олий маълумотли бўлиши билан бирга изланувчан, партиянинг ёшлар бўйича сиёсатини яхши тушунадиган, ташкилотчи фаолларимиздан. У бу масъулиятли вазифани уддалашига ишончимиз комил, деди етакчи.

Конференция давомида 20 нафар ёшларга партия аъзолик гувоҳномалари топширилди.

"Ёшлар қаноти" Низоми лойиҳаси муҳокамаси ва ёшлар етакчисини сайлашга бағишланган ЎзМТДП **Урганч** шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" таъсис конференциясини партия шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Баҳодир Жуманиёзов бошқарди. Унда "Ёшлар қаноти" раиси этиб "Камолот" ЁИҲ шаҳар кенгаши раиси Б.Раҳмонов сайланди. Йиғилишда бўғиннинг 2009 йилга мўлжалланган иш режаси қабул қилинди, шунингдек вилоят таъсис конференциясига 25 нафар делегат сайланди.

ЎзМТДП **Булоқбоши** туман кенгаши "Ёшлар қаноти" таъсис конференциясида бўғиннинг ўтган йилдаги фаолияти таҳлил қилинди. Унда "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши фаоллари, партия Избоскан, Жалақудуқ, Қўрғонтепа туманлари кенгашлари ёшлар етакчилари ҳамда вилоят партия кенгашининг "Фидойи ёшлар" клуби фаоллари иштирок этдилар. Конференцияда ЎзМТДП Булоқбоши туман кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси этиб Барно Нурматова сайланди.

БПТ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш

тадбирларда ўз аксини топмоқда

Алишер РАҲМОНОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Қуйи бўғинлар ҳар қандай сиёсий партиянинг асосий негизи эканлиги сир эмас. Шу боис, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш, партия туман кенгашининг БПТлар билан ҳамкорлигини янада кенгайтиришда ЎзМТДП Бойсун туман кенгаши Ижроия қўмитаси эътиборли ишларни амалга ошираётир.

Партия туман кенгашининг ҳудуддаги энг асосий таянч нуқталаридан бири ҳисобланган маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи бошланғич партия ташкилотида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдик.

Коллежнинг кўзга кўринган, тажрибали ўқитувчиси, ЎзМТДП туман кенгаши аъзоси Менглимурод Муҳаммадиев раислик қилаётган бошланғич ташкилот нафақат тумандаги, балки вилоятдаги пешқадам бўғинлардан бири бўлиб, 50 нафарга яқин партия аъзоларини бирлаштирган. Менглимурод ака билан ташкилот фаолияти ҳақида мулоқот қилар эканмиз, энг аввало эътиборимизни тортган жиҳат бу партия фаолларининг иш услубида ёшларни миллий истиқлол ғояси, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш устувор вазифа қилиб белгиланганлиги бўлди. Буни бошланғич партия ташкилоти томонидан йил давомида ўтказилган кўплаб тадбирлар мундарижаси шундоқ кўрсатиб турибди. Бир мисол. Яқинда Менглимурод аканинг таклифига биноан ушбу билим масканида ўтказилган тадбирда иштирок этганимизда, тадбир гарчанд сиёсий мавзуда бўлса-да, миллий қадриятлар ва анъаналаримиз, миллий меросимизни асраб-авайлаш борасидаги мақсад ва вазифалар билан уйғунлашган тарзда бўлиб ўтганига гувоҳ бўлганмиз. "Касбим-фахрим" мавзуида ўтказилган яна бир тадбирда эса талаба-ёшлар қўли билан яратилган халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъати намуналари миллий меросимиз барҳаёт эканлигидан далолат бериб турди.

Коллеж бошланғич партия ташкилотининг яна бир ютуғи унда ЎзМТДП туман кенгашининг энг фаол аъзолари Нормўмин Йўлдошев, Баҳром Муқимов, Асқар Ашуровларнинг бирлашганидир.

Бошланғич партия ташкилоти фаолиятида билим даргоҳи қошидаги ахборот-ресурс маркази раҳбари, ЎзМТДП аъзоси С.Раҳмоновнинг ҳам ўз ўрни бор. Айниқса БПТ томонидан ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар, айнан унинг бошчилигида амалга оширилади. Марказ фаолияти билан танишар эканмиз "Дунёни яхшироқ билмоқ - китобдан" номли адабий-бадиий кечага тайёргарлик жараёни устидан чиқдик.

- Аслида ушбу тадбирни аввалроқ ўтказиш режалаштирилган эди,- дейди БПТ раиси. - Аммо партия туман кенгашининг тадбирни туман миқёсида ўтказиш ҳақидаги таклифи унга пухта тайёргарлик кўришни талаб қилди. Бугунги кунда ёшлар орасида китоб мутолаасига қизиқиш бир қадар сусайганлигини эътиборга олсак, ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари ва уларнинг муаллифлари ижодига бағишланган бу каби тадбирларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни жуда муҳим деб ўйлайман.

ДЕПУТАТЛАР ГУРУҲИ

Сессия кун тартибига

партия депутатлар гуруҳи таклиф киритди

Маънавияти саёз айрим кимсаларнинг қабристонлардан ўзлари учун жой олиб қўйиши, яқинларининг қабрини қимматбаҳо гранит ва мармар тошлар билан ҳашамдор қилаётгани хусусида айтилган мулоҳазалар кўпчиликка манзур бўлди.

Аъламхон НАБИРАЕВ, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгаши депутати, ЎзМТДП бошланғич партия ташкилоти раиси

Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгаши сессиясида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси депутатлар гуруҳи ташаббус, саъй-ҳаракат билан чиқиш қилиб, шаҳардаги қабристонларда дабдабали ёдгорликлар ўрнатиш ва ўзбошимчалик билан бўш ерларни эгаллаб олиш масаласини муҳокама қилишни сессия кун тартибига киритди.

Қайд этиш лозимки Самарқанд шаҳридаги қабристонларда ўзбошимчалик билан қурилган ёдгорликлар, ноқонуний ва лойиҳасиз барпо этилган ва этилаётган устахона (мармартошга ҳарф ўйиб ёзиш)лар ислом дини қоидаларига мутлақо зиддир. Жумладан пайғамбаримиз ҳадисларидан бирида "Менинг қабримни дабдабали қилиб ясаб, тавоф қилишларидан қўрқаман", деган эканлар.

Пайғамбаримиз яна бир ҳадисларида "Қабр жойига нархи йўқ нарсаларни ишлатиш керак, яъни улар тирикларга керак бўлмаган нарса бўлсин", деганлар. Демак, пишиқ ғишт, дабдабали қабр тоши ўрнатиб, қимматли панжаралар билан ўраб олиш буюрилмаган.

Бўш ерларни эгаллаб олган фуқаролар ва бунга шароит яратиб берган қабристоннинг масъул шахслари шуни билишлари керакки, одам ўлмасидан бурун ўзига жой танлаши ёки ажратиб олиши Имоми Аъзам (р.а.) мазҳабларида катта гуноҳ ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан масъул кишилар бу ишга жуда ҳам масъулият билан ёндашсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Сессияда бу ҳақда шаҳар ҳокимлиги махсус қарор қабул қилди.

Қаброжойлар махсус китобларда қайд қилиниб, рақамлаб қўйилса, кифоядир. Қабртошлар эса маълум меъёрда, яъни маълум баландлик ва ўлчамда бўлгани маъқул. Бу ишни самарали амалга ошириш учун маҳалла оқсоқоллари, фаоллари, имом-хатиблар аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришлари зарур. Депутатлар юқоридаги тартибсизликларнинг олдини олиш учун қабристонлар атрофидаги маҳаллалар фаолларидан иборат назорат гуруҳи тузиш ва улар мунтазам фаолият олиб боришини таклиф сифатида киритдилар.

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

ЎзМТДП ҲАЁТИ

Фаолиятимиз самараси

амалий ишларда намоён бўлади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Белгиланган вазифаларни амалга оширишда жойлардаги партия ташкилотлари, биринчи галда бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини тубдан янгилашни етакчи вазифа сифатида олдимизга қўймоқдамиз,- деб ўз сўзини давом эттирди партия раҳбари. - Халқимиз иморатнинг пойдевори пишиқ ва мустаҳкам бўлишига алоҳида эътибор беради. Таъбир жоиз бўлса бошланғич партия ташкилотлари ҳам партиямиз пойдевори ҳисобланади. БПТлар партиянинг бош таянчига ва ЎзМТДП амалий фаолиятининг марказига айланиши учун ҳали кўп иш қилишимиз зарур. БПТларни тузиш, уларнинг етакчисини сайлаш, асосий фаолият мезонларини белгилаш ишлари жадал кетаётган ҳозирги пайтда бутун диққат-эътиборимиз ташаббускор ва масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган кадрлар билан сафимизни янада мустаҳкамлашга қаратилган бўлиши лозим. Чунки, партия ғояларини кенг омма орасида тарғиб-ташвиқ қилиш, партия аъзолари ва тарафдорлари сафини кенгайтириш ҳамда энг муҳими партиянинг ижтимоий қатламини шакллантиришда бошланғич партия ташкилотлари асосий ўрин тутади.

Бевосита жойларда яшаб, фаолият кўрсатаётган маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришларни яқиндан ҳис қилишади, одамларни қандай масалалар ўйлантираётганлигини яхши билишади. Шу боис, партиямиздан сайланган халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, натижаси ва ЎзМТДП дастурий мақсадлари ижроси учун теран масъулият ҳис этишлари керак,- деб алоҳида таъкидлади ЎзМТДП МК ИҚ Раиси.

Энг муҳими,- деди пировардида партия раҳбари — Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги умуммиллий ғояси атрофида бирлашиб, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига хизмат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи керак.

Ўзаро мулоқот ва савол-жавоблар тартибида ўтган тадбирда сўзга чиққан партиядошларимиз Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар, ҳаётимизда содир бўлаётган ижобий ўзгариш ва янгиланишлар ҳамда кўзланган мақсадлар хусусида, шунингдек партия вилоят кенгаши олдида турган вазифалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Жумладан ЎзМТДП Навбаҳор тумани кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Рустам Сайилхонов, Хатирчи тумани кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Нуриддин Жалилов, партия вилоят кенгаши аъзоси Фурқат Йўлдошев ва бошқалар "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда ЎзМТДП зиммасида ҳам алоҳида масъулият борлигини таъкидлашди. Шунингдек, семинарда халқимизнинг азалий анъаналари ва миллий қадриятларини асраб-авайлаш, тарихий меросимизни тиклаш юзасидан истиқлол йилларида салмоқли ишлар амалга оширилганлиги .эътироф этилди ва бу борада ҳали мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, айниқса халқимизнинг турмуш тарзига ёт бўлган турли расм-русумлар, "оммавий маданият" ниқобидаги ахлоқий айнишлар, зарарли оқимлар ва одатларга қарши курашда "Миллий тикланиш" демократик партияси алоҳида жонбозлик кўрсатиши кераклиги айтиб ўтилди. Бундан ташқари вилоят партия кенгаши иш фаолиятини тубдан ўзгартириш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, ЎзМТДП Дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, таъсирчан тадбирлар ўтказишни кучайтириш бўйича ҳам амалий таклифлар билдирилди.

Кенгайтирилган пленумда ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев сўзга чиқиб, вилоят партия кенгаши ва унинг Ижроия қўмитаси фаолиятини танқидий таҳлил қилар экан, асосий эътиборни ишга масъулият билан ёндашиш, кадрлар сиёсатини тўғри йўлга қўйиш, ташаббускорликни ва партиявий тадбирларни ҳамда интизомни кучайтириш масалаларига қаратди. Жумладан вилоят партия кенгаши Ижроия қўмитаси тадбирлар ўтказиш, аъзолик бадалларини йиғиш, партия матбуот нашрига обунани ташкил қилиш, партия аъзолари сафини кенгайтириш сингари масалаларда оқсоқликка йўл қўймоқда. Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Йўлдошмурод Жўлиев ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси этиб сайланди.

Пленумда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси фракция аъзолари, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига партиядан сайланган депутатлар, партия етакчилари ва фаоллари, маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Имконият ва масъулият

ҳамма гап ундан қандай фойдаланишда

Илья ДИЛЬМАНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Дастлаб партия Республика кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Бердах Жарекеев партия кенгашининг 2008 йилдаги фаолияти юзасидан маъруза қилар экан, жумладан шундай деди:

- Ўтган йил партия ҳаётида улкан бурилиш йили бўлди. Фидокорлар миллий демократик партияси ва "Миллий тикланиш" демократик партияси бирлашиши натижасида янгиланган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вужудга келди. Шу муносабат билан, асосий эътибор партия структурасини қайта кўриб чиқиш, кўп сонли электоратини шакллантиришга қаратилди. Партия фаолиятини кучайтириш ва масъулиятни янада оширишга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва шаҳар, туман ташкилотлари томонидан олиб борилган ташкилий ва ғоявий-сиёсий ишлар натижасида бугунги кунда партия аъзолари сони 10 минг нафардан ошди. Улар жойлардаги 500 дан ортиқ бошланғич партия ташкилотларига бирлашган.

"Ёшлар йили"да кенгаш томонидан махсус режа асосида қатор тарғибот-ташвиқот, маънавий- маърифий тадбирлар ўтказилди. Уларда асосий эътибор ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимини юксалтириш, замон билан ҳамнафас яшаш ҳамда эртанги кунимизнинг муносиб ворислари бўлиб етишишларига қаратилди. Эндиликда олдимизда турган муҳим вазифа- фаолиятимизни янада жонлантириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишда партиянинг роли ва таъсирчанлигини кучайтиришдир, деди нотиқ.

Шундан сўнг сўз олган ЎзМТДП Шуманой туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Тошкентбой Давлетмуродов сиёсий- маърифий ишларга тўхталар экан, ўтган йиллар давомида амалга оширилган хайрли ишларни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да ҳам давом эттириш лозимлигини таъкидлади.

Пленумда айрим партия, туман, шаҳар ташкилотлари фаолиятида жиддий камчиликлар мавжудлиги айтилди. Масалан Элликқалъа ва Тўрткўл туман партия ташкилотларида ҳанузгача ишчанлик ва ташаббускорлик етишмаяпти. Шунингдек, партиянинг ташкилий ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказишда, аъзолик бадалларини йиғиш ишларида ҳам ўзибўларчилик ва масъулиятсизлик кайфияти мавжудлиги танқид остига олинди. Тадбир иштирокчилари мазкур вазиятни бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар кўриш лозимлигини таъкидлаб, ўз таклифларини билдиришди.

Пленумда, шунингдек, ЎзМТДП Элликқалъа, Кегайли, Тўрткўл, Амударё, Беруний туманлари кенгашлари Ижроия қўмиталари раислари Валижон Ниязимбетов, Иният Жангелдиев, Улуғбек Ҳусейний, Худоёр Матёқубов, Қурбонбой Шиниязовларнинг ҳисоботлари тингланди.

Пленум қатнашчилари ЎзМТДП Республика кенгашининг 2009 йилга мўлжалланган иш режаси лойиҳаси билан танишдилар. Партиянинг ташкилий ва кадрлар масалалари, миллий ғоя, маънавий-маърифий, ёшлар билан бирга ишлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга йўналтирилган тўрт бўлимдан иборат иш режаси лойиҳаси маъқулланди.

- Жорий йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши партия ташкилотлари учун бу борада янги имкониятлар эшигини очиш билан бирга, улар зиммасига алоҳида масъулият ҳам юклади,- деди ўз чиқишида ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Валижон Реимов.- Шу сабабли ЎзМТДПнинг 2009 йилга мўлжалланган иш режасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган устувор масалаларни амалга оширишда барчамиз бирдек фидойилик кўрсатишимиз керак. Бу ишнинг самарадорлигига эришиш учун партия фаоллари, депутатлар, бошланғич ташкилотларни мазкур вазифаларни бажаришга йўналтиришимиз, уларга бу борада тегишли ёрдам ва тавсиялар беришимиз лозим.

Музокарада сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, ЎзМТДП Республика кенгаши аъзоси Нагмет Айимбетов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмитаси раиси, депутат Кенгесбой Реймов ва бошқалар кун тартибидаги масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Пленумда кун тартибида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ХРОНИКАСИ

Тадбирлар кўлами кенгаймоқда

ЎзМТДПнинг жойлардаги ташкилотлари бу борада фаоллик кўрсатишмоқда



Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида 8 март Хотин-қизлар куни муносабати билан маҳаллалараро "Ўзбегим келинлари" кўрик-танлови ўтказилди.

Тадбирни Қарши шаҳар ҳокими Ш.Турсунов очди.

Иштирокчилар икки шарт бўйича беллашиб, "Энг чевар келин", "Энг пазанда келин", "Энг ташаббускор келин", "Энг зукко келин" ва "Энг ижодкор келин" каби номинациялар бўйича ғолиб деб топилдилар ва ҳомий ташкилотлар ҳамда ЎзМТДП нинг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

* * *

ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши, вилоят хотин-қизлар қўмитаси "Тадбиркор аёл" уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида "Тадбиркор элга мададкор" мавзусида кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Кўргазмада вилоятдаги энг фаол тадбиркор, фермер, ҳунарманд хотин-қизлар ўзларининг амалий ишлари билан иштирок этишди

— Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан тадбиркорликка катта эътибор қаратиляпти. Айниқса, бу соҳада аёлларнинг эркин фаолият юритишлари учун барча шарт-шароитлар етарли, - деди ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Д.Кесимов. — Уларнинг фаоллигини янада ошириш ва қўллаб-қувватлаш учун кўплаб жонли мулоқотлар, семинар-тренинглар ўтказяпмиз. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларни шу каби тадбирларга жалб қиляпмиз.

Кўргазмали семинарда иштирок этган тадбиркор аёллар ўзларининг иш фаолиятларида эришган ютуқлари ва келгусидаги режалари ҳақида гапириб ўтишди.

Тадбир сўнгида тадбиркорлар ташкилотчилар томонидан диплом, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

* * *

ЎзМТДП Тўрақўрғон туман кенгаши томонидан қизлар ўртасида мактаб ва коллежлараро спортнинг қўл тўпи тури бўйича туман биринчилиги ўтказилди. Мусобақада 11 нафар қизлар ва 4 нафар аёллар жамоаси иштирок этди.

— Ўтказилаётган бу каби мусобақалар ёшларимиз орасида спортни янада оммалаштиришга хизмат қилади. Тадбирда ёш қизларимиз билан биргаликда аёлларимиз ҳам фаол иштирок этдилар, - деди вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакили М.Қодиров. — Спорт ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда, ўқувчи ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда, уларнинг жисмонан баркамол бўлиб улғайишларида энг таъсирчан тарбия воситаси ҳисобланади.

Қизлар ўртасида биринчи ўринни тумандаги 39-мактаб, иккинчи ўрин 42-мактаб, учинчи ўринни эса 14-мактаб жамоалари қўлга киритди.

Ғолиблар ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши ҳамда ҳомий ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

* * *

ЎзМТДП Узун туман кенгаши вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва туман "Камолот" ЁИҲ билан ҳамкорликда "Сиз қонунни биласизми?" мавзусида кўрик-танлов ўтказди.

Танловда уй-жой коммунал қурилиш коллежининг "Адолат", педагогика коллежининг "Фемида", маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг "Парламент" ва қишлоқ хўжалиги коллежининг "Адолат" гуруҳлари ҳуқуқий билимларини 4 та шарт бўйича синадилар.

— Ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, дунёқарашини янада кенгайтириш мақсадида партиямизнинг фаоллари билан биргаликда тадбирлар, семинар-тренинглар, танловлар уюштиряпмиз. Бугунги танлов иштирокчилари барча шартларни фаоллик билан бажардилар. Конституциямизнинг барча боб ва моддаларини кенг шарҳлаб, мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумотлар беришди. Бундан кўриниб турибдики, ўсиб келаётган ёш авлод ўз ҳақ-ҳуқуқини тўлақонли англаб етишга интилмоқда. Партия ўз сафини ана шундай билимли ёшлар билан кенгайтириш ва уларни қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

* * *

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда Андижон тиббиёт коллежида "Ёшларни диний экстремизм ва фундаментализм хуружидан ҳимоя қилиш – давр талаби" мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда Андижон шаҳар прокуратураси ходимлари, шаҳар ИИБ инспекторлари, коллеж талаба-ёшлари ва партия "Ёшлар қаноти" фаоллари иштирок этишди.

Сўзга чиққан ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази раҳбари Т.Каримов диний экстремизм ва турли оқимлар таъсиридан ёшларни асраш борасида олиб борилаётган ҳамда режалаштирилган амалий чора-тадбирлар ҳақида гапириб ўтди.

— Глобаллашув жараёнида ёшларимизни ёт маданият ва ақидалар таъсиридан ҳимоя қилиш барчамиз учун бирдек масъул вазифа ҳисобланади. Улғаяётган фарзандларимиз ўзлари билмаган ҳолда турли оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун улар орасида маънавий таҳдид, террористик ҳаракатлар мақсади ва моҳиятини тушунтириш ишларини олиб бориш керак. Миллий ғоя, тарихий қадриятларимиз ва анъаналаримизни улар онгига сингдириб бориш, атрофимизда бўлаётган ҳодисаларга юзаки қарамасликка ўргатишимиз зарур. Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида "Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади", дея таъкидлангани бежиз эмас.

Давра суҳбатида нотиқлар "Диний экстремизм ва фундаментализмнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлигига таҳдиди", "Диний маърифий йўналишдаги ислоҳотлар: воқелик, муаммо ва вазифалар" мавзусида маърузалар қилишди.

Тадбир сўнгида талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди ва тадбирга оид кўргазмалар, телефильм намойиш этилди.

* * *

ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси шаҳар футбол федерацияси, "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси вилоят бўлими, "Камолот" ЁИҲ шаҳар кенгаши, шаҳар халқ таълими бўлими ҳамкорлигида 13-14 ёшлилар ўртасида мини футбол бўйича ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси кубоги учун мусобақа бўлиб ўтди.

Кубок учун саккизта жамоа ўзаро беллашдилар ва 19-сонли мактабнинг мини футбол жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Мусобақа сўнгида ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Б.Жуманиёзов сўзга чиқди.

Ғолиб жамоага кубок ва барча иштирокчиларга партиянинг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлари топширилди.

МУЛОҚОТ

Зулфияхоним қизлари

мактаб ўқувчилари билан учрашди



Назокат УМАРОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Аёл! Табиатнинг буюк мўъжизаси. Унинг нозик жуссасида дунёнинг жамики гўзалликлари мужассамдек гўё. У она, опа, сингил... ва шу билан бирга бугун жамиятнинг илғор вакиласи ҳамдир.

Яқинда 8 март — Хотин-қизлар байрами мамлакатимизда кенг миқёсда нишонланди. Байрам муносабати билан республикамизнинг турли ҳудудларида байрам кечалари, йиғилишлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Шундай тадбирлардан бири фаол талаба-ёшлар иштирокида ЎзМТДП Сергели туман кенгаши ташаббуси билан "Зулфияхоним қизлари" мавзусида туманда жойлашган 284-ўрта умумтаълим мактабида бўлиб ўтди. Тадбирни ЎзМТДП Сергели туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ш.Ибрагимов очиб, йиғилган хотин-қизларни байрам билан муборакбод этди.

- Бугун қай бир соҳага назар солмайлик унда аёлларнинг фаол иштирокини кўрамиз. Хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун мамлакатимизда фан-таълим, тадбиркорлик, қўйингки барча жабҳада кенг имкониятлар яратиб берилмоқда,- деди нотиқ. - Иқтидорли хотин-қизларимизни муносиб баҳолаш мақсадида турли хил давлат мукофотлари таъсис этилмоқда.

Аёлларнинг, ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, партиямиз аъзолари сафига шижоатли, иқтидорли хотин-қизларни янада кўпроқ жалб қилиш, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига етарлича шарт-шароитлар яратиш ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларидан бири саналади. Бу борада партиямизнинг "Ёшлар қаноти" бўғини бир қатор самарали ишларни олиб бормоқда.

Тадбирда шунингдек, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, "Келажак овози" республика кўрик-танлови ғолибалари сўзга чиқишди.

- Бугунги тадбир менда катта таассурот қолдирди,- деди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Дилфуза Маҳкамова. - Зеро, Президентимиз раҳнамолигида ёшларга берилаётган кенг имкониятлар ва уларнинг муносиб тақдирланаётганини бугунги тадбир мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Тадбир мактаб ўқувчилари ва талабалар билан очиқ мулоқот тарзида давом этди. Ўқувчилар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар эса барчага янада кўтаринки кайфият бағишлади.

НИГОҲ

ҲУҚУҚ

Экологик маданият

уни шакллантиришнинг халқаро ҳуқуқ ва меъёрлари

Ойбек БОЗОРОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими
Даврон ҚАЛАНДАРОВ,
ТДЮИ магистри

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунларданоқ жаннатмакон юртимиздаги бетакрор табиатни муҳофаза қилиш, атроф табиий муҳитнинг ҳар қандай ифлосланишининг олдини олиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу табиий ҳол, сабаби, биз келажак авлодлар учун фақат тоза атмосферани сақлаб қолишимиз ва мамлакатимизнинг бетакрор табиатига ҳар биримиз ҳурмат билан ёндашишимиз зарурдир. Албатта она-заминимизнинг борлигини сақлаб қолиш, табиат тозалигини таъминлаш миллий қонунчилигимиздаги ҳуқуқий асосларга бевосита боғликдир.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ келадиган экология соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга ҳам асос яратди дейишга тўла ҳақлимиз. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро экология ҳуқуқининг тўлақонли субъектига айланиши, демократик, ҳуқуқий давлат принциплари асосида тараққий этган фуқаролик жамиятини қуриш ҳамда уни ривожлантиришга зарур шарт-шароит яратиб бераётганлигидан далолат беради.

Бу борадаги Қонун ижодкорлиги жараёнида миллий қадриятларни инобатга олиш қонуннинг самарали ҳаракатига ижобий таъсир кўрсатди. Чунки бир неча асрлар давомида эъзозланиб, қадрланиб келинган урф-одат ва анъаналаримизни қонунга сингдириш қонунчиликни миллийлаштиради. Бу ўз навбатида қонуннинг фаол ижроси таъминланишига олиб келади.

Халқаро шартномаларни тан олиш ва уларга риоя этиш мамлакатимизнинг ривожи ва халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтирувчи омил бўлиб хизмат қилади ҳамда давлатимизнинг ўз олдига қўйган буюк мақсади ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида энг муҳим асос вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ олтинчи сессиясида қилган маърузасида таъкидлаганидек: "Навбатдаги муҳим масала – Республиканинг қонун ҳужжатларини халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ ҳолга келтиришдир".

Шундай экан, қонун мукаммаллигига эришишда умумэътироф этилган ҳуқуқий таомилларга таяниш лозимдир. Экология соҳасидаги халқаро шартномалар ва уларнинг миллий қонунчиликка сингдирилиши мамлакатимизнинг халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва стандартларидан келиб чиққан ҳолда халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида муайян мажбуриятларни ўз зиммасига олиши ва уларни бажариши лозимлигини англатади. Экология соҳасидаги миллий қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, у экология соҳасидаги халқаро ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши керак. Бу эса ўз навбатида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги принципи асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг асосий қоидаларидан бири "табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, минтақалараро ва халқаро манфаатларни уйғунлаштиришдир". Қирғизистонда Сирдарё ирмоқларининг радиоактив моддалар билан ифлосланиши сўзсиз Ўзбекистон ва Қозоғистон республикаларида экологик хавфсиз муҳитга ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди, албатта. Шунингдек, Чернобил ёки Орол денгизи экологик фожиалари нафақат Шарқий Европа ёки Марказий Осиё, балки бутун Ер куррасидаги инсонларнинг «яшаш ҳуқуқи»нинг зарурий элементларидан бири бўлган экологик хавфсиз муҳит ҳолатига салбий таъсир этмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50-сессиясидаги маърузасида Орол муаммосини халқаро миқёсда ҳал қилишни таклиф этди ва унинг салбий оқибатларини нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё ҳамжамияти учун таҳдид солаётган долзарб масалалардан бири қилиб кўрсатган эди.

Атроф табиий муҳитни халқаро муҳофаза қилиш тушунчасига аниқроқ таъриф бериб ўтадиган бўлсак, бу - инсонларнинг экологик хавфсиз муҳити ва давлатларнинг бир меъёрда ривожланишини таъминловчи халқаро ҳуқуқ принциплари, нормалари ва муносабатлари йиғиндиси ҳисобланади.

Халқаро экологик ҳамкорлик ҳозирги кунда асосан уч йўналиш, яъни атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг давлатлараро ва миллатлараро ҳамкорлик ва улардаги ижобий тажрибаларни кенг тарғиб қилиш, маълум бир географик минтақа (регионда) ёки чекланган тегараларда табиатни регионал муҳофаза қилишнинг илмий асосланган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни амалий татбиқ қилиш ҳамда глобал экологик муаммоларнинг ечимини топишда БМТ идоралари, давлат ва нодавлат ташкилотлар орқали универсал йўлларни ишлатиш каби усул ва воситалар орқали амалга оширилмоқда.

Ҳар бир давлат халқаро экологик ҳамкорликни амалга оширишда албатта халқаро экологик қоидаларга ва принципларга амал қилиши шарт. Шу ўринда Халқаро экологик ҳуқуқий принципларни санаб ўтиш жоиз:

Табиий ресурсларга бўлган давлат суверенитетлиги принципи БМТ Бош Ассамблеясининг 1962 йил 14 декабрдаги аввал «Табиий ресурсларга нисбатан ажралмас суверенитет» сўнгра, Стокгольм (1972) конференциясининг декларацияларида ўз ифодасини топган. Бу принципга биноан ҳар бир халқаро ҳуқуқ субъекти халқаро муносабатларда ўз табиий бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни миллий қонунчилик асосида олиб бориш ҳуқуқига эга.

Давлатлар ўз юрисдикциясидан ташқаридаги атроф-муҳитга зарар етказмаслик принципи. Ушбу принцип 60-йилларда оддий бир халқаро ҳуқуқ меъёри сифатида ишлатилган бўлса, 1972 йил Стокгольм конференциясида халқаро экологик ҳамкорликнинг асосий қоидалари тоифасига киритилди. БМТ Низомига биноан ҳар бир давлат ёки халқаро ҳуқуқ субъекти ўз ҳудуди ёки назорат доирасидаги ҳаракатлари ўзга ҳудуд ёки назорат доирасида турган давлатларга зарар етказмаслиги керак ва булар учун жавобгардир.

Инсонларнинг экологик ҳуқуқининг афзаллиги принципи бевосита инсон ҳуқуқларидан бири десак хато бўлмайди. Чунки, Ер юзидаги барча инсонлар ирқий, миллий, диний, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, яшаш ҳуқуқига эгадирлар. Яшаш ҳуқуқи эса инсон ҳуқуқларининг бирламчи омилидир. БМТ Низомининг 3-хат боши 1-моддасига биноан халқаро ҳамкорликни давлатлар «инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилишлари ва уларни рағбатлантиришни ривожлантириш» асосида олиб боришлари керак.

Ҳамма босқичда экологик назорат ўрнатиш принципи юқорида санаб ўтилган халқаро-ҳуқуқий қоидаларнинг амалий татбиғини кузатиб бориш ва кафилловчи институтлар тизимини яратишни талаб қилади. Агарда халқаро экологик ҳамкорлик меъёрларини амалий татбиғи унинг қатнашчилари ёки учинчи бир ваколатли идоралар томонидан назорат қилинмаса, ҳар қандай халқаро ҳужжат декларатив кўринишда бўлади ва улар қоғозда қолиб кетади. Бундай халқаро назорат институтини универсал тарзда БМТнинг ЭКОСОС, ЮНЕП, ЮНЕСКО, ТМХИ, ЖССТ, ХДК ҳамда МАГАТЭ каби умумий ёки махсус масалалар бўйича тузилган ташкилотлар ёки регионал тарздаги - ОБСЕ, АДА, АБТ, АДТ, АСЕАН каби ташкилотлар олиб бориши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бизнинг фикримизча, Марказий Осиё минтақасида махсус ваколатли давлатлараро экологик ташкилотни тузиш (масалан, «Туркистон бизнинг уйимиз», «Турк эко назорат», «Туркистонда экологик хавфсизлик») ва унинг қошида қатнашувчи давлатлардан назорат, тергов ва суд органларини барпо этиш замон талабидир.

Экологик ахборот алмашуви эркинлиги принципи халқаро ҳамкорлик қатнашчиларидан ўз миллий чегараларида юз бераётган атроф табиий муҳитнинг салбий ўзгаришлари ҳақида ўз вақтида ахборот бериб боришни назарда тутади. Чунки экологик жараёнлар маъмурий чегарани «тан олмайди» ва улар қўшни мамлакатнинг экологик хавфсизлик даражасига салбий таъсир этиши мумкинлигини эътироф этади. Ўз пайтида ва тезкор олинган ахборот экологик хавфнинг олдини олиш ва уни биргаликда ёки халқаро ҳамжамият ёрдамида бартараф қилиш имконини беради.

Ўзаро экологик консультациялаш принципи бундан олдинги ахборотлаш принципининг давоми десак бўлади. Консультациялаш ёки маслаҳатлаш принципи-юзага келган экологик инқироз ҳолатини кенг ёйилишини олдини олиш ва уни бартараф қилишнинг халқаро стратегик мақсад ва тактик вазифаларини аниқлаб олиш, унга қарши курашишнинг чоратадбирлар кўлами ва йўлларини аниқлаштиришга имкон беради.

Экологик инқирозли ҳолатда давлатларнинг ўзаро ёрдам кўрсатиш принципи давлатларнинг ўзаро гуманитар ёрдам кўрсатиш ва оқибатда ўз миллий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар тоифасига киради. Марказий Осиёда вужудга келган «Орол муаммоси»ни ҳал қилишда 100 дан зиёд давлат ёки нодавлат ташкилотларнинг иштирок этиши ва кейинги 10 йил мобайнида уларнинг юз миллионлаб АҚШ доллари миқдорида бизларга моддий ёрдам кўрсатишлари бундай олижаноб принципнинг амалда қўлланилаётганига аниқ бир мисол бўла олади.

Ҳуқуқий-экологик низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш принципи халқаро ҳуқуқ субъектлари орасида ушбу низолар орқали атроф табиий муҳитга янада кўпроқ зарар етказувчи «совуқ уруш»ларнинг ёки ҳарбий тўқнашувларни олдини олишга қаратилгандир. Замон талаби ҳар қандай салбий жараёнларни дипломатик воситалар орқали ҳал қилиш ва давлатларнинг бутун кучини ҳар қандай урушларга эмас, балки инсонларга хавф солаётган экологик инқирозларга сарф қилишларини даъват қилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро ҳамжамиятнинг мустақил субъекти сифатида бир қанча экологик Конвенцияларга қўшилганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим, жумладан, 1993 йил 14 майдаги «Иқлимга таъсир этишни чегаралаш» тўғрисида»ги, 1995 йил 13 октябрдаги «Саҳроланишга қарши кураш», 1995 йил 15 июндаги «Африка-Осиё қитъаларида кўчиб юрувчи қушларни муҳофаза қилиш», 1995 йил 6 майдаги «Биологик хилма-хиллик тўғрисида»ги ва 1996 йил 7 майдаги «Хавфли чиқиндиларни ташиш ва уларни йўқотиш тўғрисида»ги Базель Конвенцияларидир .

Ўйлаймизки, мамлакатимизда экологик маданиятни таъминлаш ва юксалтиришга қаратилган бу каби ҳуқуқий асослар келажак авлодларимиз учун она заминимизни ўз борлигича сақлаб қолишга ёрдам беради. Қолаверса, ушбу муҳим ҳужжатларни янада такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига имплементация жараёнларини босқичма-босқич амалга ошириш қонун ижодкорларидан катта масъулият талаб этади.

АМАЛИЁТ

Малакали ҳамширалар

уларга бўлган эҳтиёж нафақат ўзимизда, балки чет элда ҳам кучли

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish"мухбири

Иштихон тиббиёт коллежида талаба-ёшларнинг давр талаблари асосида билим олишлари, етук мутахассислар бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар етарли. Ўқув хоналари янги ва қулай мебеллар, физика, кимё, биология лабораторияси учун зарур асбоб-ускуналар, лингофон, информатика хонаси компьютерлар билан жиҳозланган. Коллеждаги жами 71 та ўқув ва лаборатория хоналаридан ташқари туман марказий шифохонасининг бўлимлари, катталар ва болалар поликлиникаси, Митан қўрғонидаги шифохона, Митан ҚВП, тез ёрдам бўлимларидаги 63 та ўқув хоналари талабаларга хизмат қилмоқда.



- Коллежда ўқув жараёни барча йўналиш ва мутахассисликлар бўйича намунавий режа асосида олиб борилади,- дейди коллеж директори Озамат Раҳматов. - Коллежда ўқув ва малака ошириш ишлари намунали ташкил этилган бўлиб, Самарқанд тиббиёт институти ҳамда Самарқанд Давлат университетлари билан ҳамкорликда ўқув ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётлари йўлга қўйилган. Каттақўрғон, Оқдарё, Пайариқ, Нуробод, Пастдарғом, Иштихон, Қўшработ, Пахтачи, Хатирчи, Нурота, Тайлоқ туманлари ва Самарқанд шаҳрининг тез тиббий ёрдам бўлимлари билан ҳамкорликда ўқув амалиёт ва малака ошириш ўқувлари олиб борилади. Коллежда талабаларнинг етук тиббиёт ходимлари бўлиб етишишида маънавий-маърифий ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бугун ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, кашандалик, одам савдоси, ОИВ ва ОИТСга қарши курашиш масаласи кўндаланг турибди. Бу каби масалаларда бепарволик қилиб бўлмайди. Шу боис коллежда ОИВ ҳамда ОИТСга қарши курашиш гуруҳи ташкил этилган. Ҳозирда жамоанинг 40 нафар тиббиёт ходимлари, 200 нафар битирувчилари Иштихон ва Қўшработ туманлари аҳолиси, ўқувчи-ёшлари ўртасида тренинглар ўтказилиб, видео лавҳалар, маърузалар, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари олиб боришмоқда. Бу борадаги ишларда коллеж директори О.Раҳматов, директор ўринбосари С.Аннақулов, ўқитувчилар Д.Ҳасанов, И.Бобомуродова, Т.Бобоёрова, С.Абдураззоқова, К.Очилов жонбозлик кўрсатишмоқда. Коллежда "Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги", "Билимлар куни", "Миллий истиқлол ғояси", "Мураббий — ҳаёт боғбони", "Огоҳлик — давр талаби", "Бахтимиз — қомусимиз", "Ватанни ҳимоя қилмоқ олий саодатдир", "ОИТС аср вабоси", "Тил — миллат кўрки", "Янги китоблар", "Президент асарлари" каби кўрик-танловлар, тадбир ва кечалар доимий равишда ўтказиб келинади. Спорт машғулотлари коллежнинг битта ёпиқ спорт зали, битта тренажёр зали, очиқ футбол майдони, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, сакраш майдончаларида олиб борилади. Коллежда ўнга яқин спорт турлари бўйича тўгараклар фаолият кўрсатиб, уларга 1575 нафар ўқувчи жалб қилинган. "Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг вилоят босқичида баскетбол ва волейбол бўйича қизлар жамоалари 2-ўринни, 55 кг. оғирликдаги кураш мусобақасида Самариддин Абдурашидов 2-ўринни, белбоғли кураш бўйича Сардор Абдуллаев 3-ўринни қўлга киритишди. Шунингдек, коллежда "Спорт гўзаллик ва саломатлик рамзи" клуби фаолият кўрсатмоқда. Коллежни битирган собиқ талабаларнинг тиббиёт соҳасида самарали хизмат қилаётганлиги, жумладан Германия, Россия каби хорижий давлатларда шартнома асосида иш олиб бораётгани ўқитувчи-мураббийларни ғоятда шод этади.

САНОАТ

Замонавий технологиялар

саноат корхоналарига кириб келмоқда

Ўрозали БЕРДИБЕКОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири


Бугунги кунда маҳаллий саноат корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллаб бораётгани сир эмас. Бироқ, корхоналарнинг аксариятида ишлаб чиқариш қуввати мукаммал ва иш унуми юқори замонавий ускуналар билан жиҳозланган деб бўлмайди.

Жиззах вилояти инвестиция дастурида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилар экан, бунда корхоналарни техник жиҳатдан модернизация қилиш, соҳага янги технологияларни жалб қилиш устуворлик қилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар самараси ўлароқ, яқинда "Жиззахдонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамиятига қарашлили, янги, замонавий ускуналар билан жиҳозланган тегирмон ишга туширилди. Белгиланган дастурга кўра корхоналарни янги ва замонавий ускуналар билан жиҳозлашга 1,5 млрд. сўм маблағ сарфланган. Эътиборли жиҳати шундаки, янги ускуналар ишга туширилиши билан элликка яқин фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди. Энг сўнгги технологиялар асосида ишлайдиган тегирмон асосан темир моддасига бой биринчи ва олий навли ун ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Қолаверса, ускунадаги махсус электрон қурилма тегирмонни заҳарли газ ва чанглардан тозалаб туради.

Айтиш жоизки, шу пайтгача бу ердаги мавжуд ускуна ва жиҳозларни ишга тушириш учун жуда кўп вақт сарфланарди. Эндиликда эса бу жараён махсус бошқарув пульти ёрдамида амалга оширилади. Дастгоҳларда бирор бир носозлик юзага келса, автоматик равишда маълум қилинади. Соҳага хорижнинг илғор технологиялари кириб келар экан, демак, саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши шунга яраша ортиб бориши шубҳасиз.

БУНЁДКОРЛИК

Янги темир йўл тармоғи қурилмоқда



Анорбой НОРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

"Ўзбекистон темир йўллари" Миллий компанияси катта ва хайрли ишга қўл урди. Компания томонидан мамлакатимиз Президентининг жорий йил 20 январдаги "Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани истиқболли ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан Сирдарё вилояти ҳудудида янги темир йўл тармоғи қурилиши бошланди. Ушбу янги темир йўлни бунёд этиш бевосита муҳтарам Юртбошимизнинг ғояси ва ташаббуси билан юзага келди. Зеро, темир йўл қуриладиган жойда улкан ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Қишлоқлар инфратузилмаси тубдан ўзгариб, янгидан-янги иш ўринлари барпо этилади. Узунлиги 150 километрдан ортиқ янги темир йўл тармоғи фойдаланишга топширилгач, йўловчиларга катта қулайлик туғдиради. Энди мамлакатимиз пойтахтидан келаётган поездлар Янгиер шаҳри яқинида ўз йўналишини ўзгартириб, Жиззах вилояти ҳудудидаги Даштобод станциясига ҳам боради.

Бунёдкорлик ишларини юртимиздаги йирик иншоот Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл қурилишида иштирок этиб, катта малака ва тажриба тўплаган йўл қурувчилари амалга оширадилар. "Янгиер-Даштобод-Жиззах" темир йўлининг энг муҳим жиҳати шундаки, бу йўл тўлиқ электрлаштирилади ва унда тезюрар поездлар қатнови йўлга қўйилади. Оралиқ масофа қисқариб, вақт тежалади. Натижада, Тошкентдан Самарқандга чиққан поезд аввалгидан бир соат олдин, яъни 2,5 соатда манзилга етади. "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК тизими тасарруфидаги "Кўприк-қурилиш" тресги жамоаси бунёдкорлари ҳам темир йўлчилар билан ёнма-ён туриб, ҳамжиҳатликда меҳнат қиладилар. Икки ойлик муддат ичида янги темир йўл устидан автомобиль қатнови учун мўлжалланган маҳобатли, мустаҳкам кўприк ўрнатилади. Янги темир йўл учун 84 млрд. сўм маблағ сарфланади, у тўлалигича "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК томонидан қопланади. Келгусида бу темир йўллардан ҳар куни 40 жуфт поезд қатнайди. Лойиҳа доирасида воҳа ҳудудида темир йўлчилар учун турар жой бинолари, маданий-маиший объектлар барпо этилади. Айни кунларда янги темир йўл қурилиши қизғин суръатлар билан давом этмоқда. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"даги бундай хайрли ишлардан барча мамнун.

ЖАРАЁН

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ватан кўзгуси



(Давоми. Боши 1-бетда)

Масалан, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Пичоқчилик, Чархчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Тақачи, Эгарчи, Ўқчи, Заргарлик, Парчабоф сингари маҳалла номлари бу ерда ҳунармандчилик нақадар ривожланганидан, халқимизнинг азалдан ўтроқ ҳаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга бўлганидан далолат беради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, кейинги йилларда пойтахтимизда миллий тарихимизга бегона бўлган, юқорида зикр этилган ясама, сиёсий номлар ўрнига Миробод, Ракат, Мингўрик, Дарҳонариқ, Шайхонтоҳур, Яккасарой, Зарқайнар, Учтепа каби асл номларининг тикланганини" ғурур ва ифтихор билан тилга оладилар.

Соҳибқирон Амир Темур ушбу шаҳарда кўп маротаба бўлганлар ва умуман темурийлар томонидан барпо этилган ва савлат тўкиб турган муҳташам бинолар - мақбаралар, мадрасаю масжидлар ҳамон тошкентликлар ардоғида. Дарвоқе, Мирзо Улуғбекнинг онаси тошкентлик бўлгани боис "Бобурнома"да бу шаҳарга меҳр билан таъриф берилади. Тошкентнинг айниқса "Тинчлик шаҳри", "Дўстлик шаҳри", "Жасорат шаҳри", "Нон шаҳри", "Боғ-роғлар шаҳри", "Шарқ дарвозаси" сифатидаги номлари жаҳонга машҳурдир.

Айниқса, 2007 йилда унга "Тошкент- Ислом маданияти пойтахти" деган юксак номнинг берилиши жаҳон ҳамжамиятининг пойтахтимизга чуқур эҳтиром ва муносабатининг амалий ифодаси бўлди. Дарҳақиқат, ислом дини, илм-фан ва маданият тараққиётига улкан ҳисса қўшган илм соҳибларининг ном ва меросларини кенг оммага етказиш ўз олдига буюк мақсадлар қўйган давлатнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Мамлакатимиз раҳбари бу борада "Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби- биринчи галда муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо яхшилик ва эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аждодлардан авлодларга етказишдаги буюк ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ. Айни пайтда бу ҳолат динимизнинг умумбашарий маданият ва цивилизация, илму фан ривожига қўшган буюк ҳиссаси билан ҳам изоҳланади", деб ёзгандилар.

Моваройуннаҳрнинг илм-фан, маданият ўчоқлари ҳисобланган қадимий Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Термиз шаҳарлари қаторига Тошкентни ҳам бемалол қўшиш мумкин. Чунки, кўҳна Шошда ҳам кўплаб мўътабар зотлар яшаб, шу юртнинг илм-фан ва маданият равнақига улкан ҳисса қўшганлар. Ҳазрати Имом номи билан машҳур ал- Қаффол Шоший (904-976) асли ҳунарманд, қулфсоз бўлишига қарамай, етук муҳаддис, фиққшунос, адиб даражасига кўтарилган. У "Одоб ал-баҳс" ("Баҳс одоби"), "Ҳусни жадал" ("Диалектика гўзаллиги") асарлари муаллифи ҳисобланади. Айни пайтда аллома Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффол аш-Шоший Ўрта Осиёда шофий мазҳабининг йирик намояндаси сифатида шуҳрат қозонган.

Тадқиқотчилар томонидан ҳозиргача Тошкент ҳудудида яшаб ижод қилган ва Шоший тахаллуси билан танилган 70 нафардан ортиқ олимлар бўлганлиги аниқланган. Чунончи, Шайх Зайниддин бобо Шошнинг Кўкча дарвозасида яшаган ва ўз замонасида "саййидларнинг улуғи ва шариф кишиларнинг кароматлиси ва буюги" номини олган. Шаҳарнинг тарихий қисмини қамраб олган Шайхонтоҳур туманига номи берилган аллома "Пок шайх" деб аталган Шайх Хованди Тоҳур Яссавия тариқати давомчиси бўлиб, шайхлар орасида юксак мақомга эришган. Жомий ва Навоий ўзларининг маънавий пирлари деб билган зот Хўжа Аҳрор илм аҳли орасида катта обрўга эга бўлиб, Валий (авлиё) мақомига мушарраф бўлган.

Шунингдек, Тошкентнинг машҳур ёдгорликлари "Хаст имом" мажмуаси таркибига Абу Бакр Қаффол Шоший мақбараси, Мўйи Муборак ва Бароқхон мадрасалари, Намозгоҳ масжиди, Тилло Шайх жомеъ масжиди киради. Бу мажмуанинг пайдо бўлишида улуғ бобокалонимиз Амир Темурнинг ташаббуслари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Буюк бобомиз буйруғи билан Абу Бакр Қаффол Шоший қабри тепасига дастлаб даҳма қурилган. Мўйи Муборак мадрасаси XV асрда барпо этилган. Узоқ вақтлар ушбу мадрасада Пайғамбаримиз (с.а.в.)-нинг муборак мўйлари сақланиб келгани учун унга шундай ном берилган. Хўжа Аҳрор Валий ҳам шу мадрасада мударрислик қилган. Мадраса, шунингдек "Маҳватайи муллоён", яъни муллалар ва аҳли илм вакиллари билан ўраб олинган жой деб ҳам аталган. Қаровсиз қолган бино вақт ўтиши билан таълим маскани сифатида фойдаланишга ярамай қолган. Унинг баъзи қисмлари таъмирланиб, кутубхонага мослаштирилган. Ҳозир бу ерда 20 мингдан ортиқ нодир тошбосма китоб ва 2 мингдан ортиқ қўлёзма асарлар сақланади. Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти жойлашган бино ва унинг атрофидаги иншоотлар 1845-1865 йилларда Қўқон хони Худоёрхон даврида қуриб битказилган. Унда асосан жума ва ҳайит намозлари ўқилган. Шу сабабли бу масжид Намозгоҳ деб аталади. Тилло шайх жомеъ масжиди 1890 йилда Тилло шайх бува томонидан қурдирилган. У зот ўз даврининг бадавлат кишиларидан бўлиб, адолатпарварлиги, саховатпешалиги, етим-есир ва фақирларга меҳрибонлиги, илм аҳлига ҳурмат ва эҳтироми билан ажралиб турган. Бароқхон мадрасаси Шайбонийлар сулоласи вакили Тошкент ҳокими Бароқхон томонидан қурилган. Бароқхон отаси Суюнхўжа номини эъзозлаш мақсадида отасининг қабри устида даҳма қурдиради ва унинг атрофида мадраса қад кўтаради. Бароқхон ҳатто, ўзи учун бу ерда даҳма тайёрлаб қўяди, лекин тақдир тақозоси билан Самарқандда вафот этиб, ўша ерда дафн этилади. Булардан ташқари Кўкчада Шайх Зайниддин бобога атаб қурилган мақбара, Тошкент вилояти Зангиота қишлоғидаги меъморий ёдгорликларни ҳам ёдга олиш муҳимдир. Шу ўринда айтиш жоизки, пойтахтимиздаги ушбу муборак зиёратгоҳ ва қадамжолар мустақилликка эришганимиздан сўнг Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида тубдан қайта қурилди, обод гўша ва зиёратгоҳларга айланди.

Пойтахтимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 1999 йилда очилган Марказий Осиёда ягона Тошкент Ислом университети диншунос ва исломшунос, ислом ҳуқуқи, халқаро иқтисодиёт, информатика ва ахборот технологиялари бўйича мутахассисларни тарбиялаб камолга етказувчи олийгоҳ вазифасини бажариб келмоқда. Университетда ҳозиргача ислом ҳуқуқи, исломшунослик, ислом тарихи ва манбашунослик бўйича докторлик ҳамда кўплаб номзодлик диссертациялари ёқланиб, дин ва сиёсат, бағрикенглик ва дунёда тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлашга оид долзарб масалаларга бағишланган халқаро конференциялар, семинарлар, анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган Марказий Осиё олиму уламолар қаламига мансуб минглаб асарлар нусхалари жаҳон цивилизациясининг тенгсиз бойлигидир. Бу фонддан ноёб қўлёзма Мусҳафи Усмон - Усмон Қуръони сақланар эди. Ҳозирги пайтда ушбу муқаддас қўлёзма Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланади. Унинг Лондон кўргазмасида иштирок этиши учун тақдим этилган нусхаси Британия кутубхонасидаги энг қимматли ва ноёб экспонатлардан бири сифатида талқин этилди.

Анжуманнинг очилиши арафасида бўлиб ўтган тантанали қабул маросимида таниқли олимлар, Британия ҳукумати, дипломатия корпуси, эксперт ва илмий академик доиралар вакиллари, диний уламолар, журналистлар иштирок этишди. Маросимда сўзга чиққан Буюк Британия маданият ишлари вазири Т.Жовелл ҳамда Британия кутубхонаси директори Л.Брайдли хоним, бу каби тадбирларни ўтказиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашгани ҳолда бундай анжуманлар турли дин вакиллари ўртасидаги тинч-тотувлик ва бағрикенглик тамойилларини тарғиб этиш ишига хизмат қилишини қайд этишган эди. Британия жамоатчилиги Усмон Қуръонининг намойишини катта қизиқиш билан кутиб олди.

Кўргазмада Тошкентдан келган экспонатларнинг намойиш этилиши Ўзбекистонда маънавият масалаларига ҳамда халқнинг тарихий меросини тарғиб қилишга катта эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради. Бу эса ўзаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш истагида бўлган олимларимиз учун яхши имконият бўлиб хизмат қилади.

Британия кутубхонасининг қўлёзмалар бўлими директори С.Маккендрик Усмон Қуръони ислом маданиятининг бебаҳо бойлиги эканлигини алоҳида таъкидлади. -Бу бойликни қабул қилишни дунёнинг кўплаб илмий ва маданий муассасалари ўзлари учун улкан шараф деб билади,- деди у. - Ана шундай имконият айнан Британия кутубхонасига тақдим этилгани учун биз тошкентлик дўстларимиздан миннатдормиз.

Илм-фан ривожини таъминлаш кадрларнинг нечоғлик пухта ва чуқур билим эгалари бўлишига боғликдир. Шу боис ҳам Юртбошимиз алоҳида эътибор берган ўрта махсус таълим муассасалари - академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари дастлаб пойтахтимизда барпо этилди. Ўтган давр мобайнида шаҳарда 30 академик лицей ва 51 касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди ва уларда минглаб ёшларимиз таълим олмоқда. Пойтахтда 30 дан ортиқ олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, истиқлол даврида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши, Молия-банк ва Солиқ академиялари, Кимё-технология, Архитектура-қурилиш институтлари, Россия иқтисодиёт академияси, МДУ, Нефть ва газ университети филиаллари, Ислом университети сингари 15 та янги, нуфузли олий ўқув юртлари ташкил этилди. Юртбошимизнинг ўтган йили 9 апрелда қабул қилинган "Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарорига асосан 2008 йил сентябрь ойида ўтказилган тантанада мазкур етакчи олий ўқув даргоҳининг ёшлар интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, юртимиз илм-фани ва маданияти, замонавий таълим тизимини ривожлантириш, юксак малакали мутахассислар тайёрлаш, йигит-қизларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги ўрни ва улкан ҳиссаси алоҳида эътироф этилди.

18 йилдирки, Мустақиллик майдони Тошкентнинг улкан меъморий ансамблига айланди. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги куни- 1991 йил 1 сентябрдан эътиборан Юртбошимиз Ислом Каримов Фармонига мувофиқ Тошкентнинг марказий майдони - Мустақиллик майдони деб атала бошланди. Бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари Бош майдонимизнинг бутун мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартириб юборди. У ерда Мустақиллик монументи, Хотира хиёбони барпо этилди. Сенат ва маъмурий бинолар, эзгулик аркаси, тасвирий санъат галереяси, бизнес марказ, шунингдек, замонавий фавворалар каби буюк бунёдкорлик намуналари яратилди. Юртимиз шаън-шавкати, ғурур-ифтихори, оналик бахт-саодатини намойиш қилган обидалардан яна бири - фарзандини бағрига босиб турган мунис ўзбек аёли сиймоси акс этган бадиий мажмуа Бахтиёр она ҳайкалидир. Мустақиллик монументи ва Бахтиёр она ҳайкали билан эзгулик аркаси оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлак билан бирга яхлит ансамблни ташкил қилади. Мамлакатимизнинг Мустақиллиги ва эзгулиги- бу истиқбол демак. Шу боис Юртбошимиз таклифига кўра, бу мажмуа "Мустақиллик ва эзгулик монументи" деб аталди. Президентимиз "Юксак маънавият-енгилмас куч" асарида шундай деб ёзади: "Мен ишонаман, орадан йиллар, асрлар ўтади, замонлар ўзгаради, лекин ўзининг маъноси ва қиёфаси билан бир-бирини тўлдирадиган бу икки ёдгорлик мажмуаси нодир ва ўлмас бадиий обида сифатида халқимиз маънавиятининг ажралмас қисми бўлиб қолади".

Тошкентнинг 2200 йиллик тўйига тайёргарлик жараёнлари бутун шаҳар бўйлаб кенг қулоч ёймоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги биноси, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейининг иккинчи қисми, Болалар ижодиёти кўргазмаси маркази, "Пахтакор" марказий стадиони тўлиқ қайта таъмирланди. Шунингдек, "Чорсу", "Олой", "Паркент", "Чилонзор", "Миробод", "Қўйлиқ", "Юнусобод" каби бозорлар тубдан таъмирлангани, янгилари қурилгани ҳам ана шундай хайрли ишлар сирасидандир. Пойтахтимизда айни пайтда қулай, замонавий ва кўркам юздан ортиқ буюм, деҳқон, қурилиш материаллари савдосига ихтисослашган бозорлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда сотилаётган маҳсулотларнинг бир қисми хориждан олиб келинган бўлса, асосий қисми ўз маҳсулотимиздир.

Дарвоқе, Тошкент ва тошкентликлар айни пайтда ўзини 2200 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш руҳи ва тадориги билан нафас олмоқда. Юртбошимиз томонидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинган жорий йилда пойтахтимиз боғ-роғлари янада чирой очади, янада обод ва фаровон бўлади. Буларнинг барчаси мустақиллик туфайли Тошкентнинг нафақат мамлакатимиз, балки дунё миқёсидаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан далолатдир. Шарқнинг маърифат бешикларидан бири сифатида довруғ қозонган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги дунё миқёсида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Юртбошимиз таъкидлаганидек, Ватанимизнинг муқаддас остонаси давлатимизнинг бош шаҳри бўлмиш азим Тошкент билан бутун Ўзбекистон халқи, барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Пойтахт ўз жамоли ва камоли ила мамлакат кўзгуси, шон-шарафи, шаъни бўлиб қолмоқда. Айтиш жоизки, XXI асрнинг йирик ва кўркам шаҳарларидан бири, айни пайтда Марказий Осиё давлатлари учун ҳам Шарқ дарвозаси эканлигидан яна бир бор мамнун бўламиз.

ТАДБИР

Йўл ҳаракати хавфсизлиги

унга ҳаммамиз масъулмиз

Дилноза ҲАЙИТОВА,
"Milliy tiklanish"мухбири

Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш нафақат ҳайдовчи, балки пиёдалар учун ҳам жуда муҳимдир. Ушбу қоидалар йўлларда содир этиладиган кўнгилсизликларнинг олдини олиш, инсон ҳаётига соя солиши мумкин бўлган хавфни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилиб, доимий равишда янгиланиб борилмоқда.

Яқинда ИИВ ЙҲХ Бош бошқармасида бўлиб ўтган йиғилишда соҳада олиб борилаётган ишлар кенг таҳлил қилинди ва бажарилиши керак бўлган вазифалар белгилаб олинди. Уни ИИВ ЙҲХББ бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Ғайрат Болтабоев бошқарди.

Айтиш керакки, бугунги кунда Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ҳайдовчи ва пиёдаларга турли қулайликлар яратиш, аҳоли ўртасида профилактик тадбирлар олиб бориш орқали ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларини кенг қўламда тарғибот-ташвиқот қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Ислоҳотлар самарадорлигига эришиш мақсадида ҳар йили мунтазам равишда "Диққат, болалар!", "Диққат, пиёда!", "Яшил чироқ" каби тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Аммо, шунга қарамай йўлларда турли йўл-транспорт воситалари билан боғлиқ нохуш ҳодисалар учраяпти. Ички ишлар вазирлиги Йўл Ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан берилган маълумотларга кўра, ўтган 2008 йилда республикамиз автомобиль йўлларида 10823 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Бунда 2178 нафар киши ҳалок бўлган ва 11656 нафар киши жароҳатланган. Ушбу ҳодисаларнинг 9412 таси ҳайдовчиларнинг турли ҳолатлардаги айби билан содир этилган бўлса, 1187 тасида ҳодиса сабабчиси пиёдаларнинг ўзлари бўлганлиги аниқланган. Шунингдек, ўтган йил давомида йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан 4.498.358 та қоидабузарликлар аниқланган.

Йиғилишда таъкидланганидек, бу каби ҳолатлар соҳадаги ислоҳотлар изчиллигини янада такомиллаштиришни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан республикамиз ҳудудида янги нусхадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари ва унинг талони, янги миллий давлат рақам белгилари бериш йўлга қўйилгани тизим фаолиятининг янада такомиллашаётганидан далолатдир. Янги давлат рақам белгиларининг жорий этилишидан кўзланган мақсад бу автотранспорт воситалари миллий давлат рақам белгиларининг халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқлигини таъминлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишни электрон тизими билан бирга олиб бориш, шунингдек улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олишдир. Шунга кўра давлат рақам белгилари ёруғликни акс эттирувчи қопламага эга бўлиб, чидамли ва коррозияга қарши металл қотишмасидан, қалбакилаштиришдан ҳимоя қилишнинг юқори даражасини таъминловчи махсус технологияга мувофиқ тайёрланган.

Йиғилишда соҳа фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар берилди.

Йўлларда болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир. Яқинда шаҳар халқ таълими бош бошқармасида бўлиб ўтган учрашувда айнан шу масала кўриб чиқилди. Унда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида гаплашиб олишди.

"Эҳтиёт бўлинг, болалар!"

Мухлиса МУҲИТДИНОВА

- Ўтган 2008 йил давомида ўқувчилар томонидан содир этилган юздан ортиқ йўл-транспорт ҳодисалари ва қоидабузарликлар таҳлил қилиниб, унинг келиб чиқиш сабаблари ўрганиб чиқилди,- дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлинмаси бошлиғи, майор Зоир Саидалиев. - Ҳар бир мактабда 17 соатлик дастур бўйича йўл ҳаракати қоидаларини ўқитиш ва ўқитувчилар савиясини мустаҳкамлаш мақсадида тест сўровномалари ўтказиб келинмоқда. "Кўча", "Чорраҳа", "Кўча ва инсон", "Ҳайдовчи ва инсон", "Ҳайдовчи ва қоида" каби мавзуларда ўқитувчилар, ёш автоназоратчилар, ота-оналар ҳамда маҳалла фаолларини кенг жалб қилган ҳолда суҳбатлар олиб борилмоқда.

Тадбирда йўл-патрул хизмати ходимлари таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидалари ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида ўқувчилар билан кўпроқ суҳбатлашиш ва учрашувлар ўтказишга келишиб олишди. Шунингдек, соҳа ходимлари "Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги", "Диққат, болалар" тадбирларининг моҳиятини ўқувчилар онгига сингдириш, чорраҳаларда, серқатнов кўчаларда ёш автоназоратчилар ва педагог-ходимларнинг навбатчилигини ташкил этиш қилинажак ишлар режасига киритилди. Қолаверса, "Яшил чироқ-2009" республика кўрик-танловини уч босқичда ўтказиш, "Ўқувчининг йўл ҳаракатида шахсий хавфсизлик қоидалари" китоби билан 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчиларни тўлиқ таъминлаш, йўл ҳаракати қоидаларига оид тарғибот ишларини ўйингоҳлар ва оммавий тадбирларда, эълон, видеоролик ҳамда шиорлардан фойдаланган ҳолда олиб бориш, таълим муассасаларида жорий этилган ёзги дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида болалар автомайдончаларини ташкил этишга келишиб олинди.

ТАКДИМОТ

Бахтли бўлиш учун яралган аёл

Тошкентда «Бахтли бўлиш учун яралган аёл» миллий ахборот компаниясининг тақдимоти бўлиб ўтди. Компания аёл ва эркакнинг тенглиги, гендер масалаларига қаратилган ижтимоий роликлар, буклет ва плакатлар тайёрлаш ва тарқатишга қаратилган.

Миллий ахборот компанияси Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, БМТнинг Тараққиёт Дастури (UNDP) ва UNFPA, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ҳамкорлигида тайёрланган.

БМТ агентликлари ва бошқа халқаро ташкилотлар, хусусий сектор вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этган тадбирда тақдимотлар, жумладан, телевидение учун ижтимоий роликлар, аҳолининг турли гуруҳлари орасида тарқатишга мўлжалланган ҳамда компания ғояларини тарғиб қилувчи аудио, визуал ва босма материаллардан иборат ахборот мажмуалари тақдим этилди.

Таъкидланишича, мазкур компания аҳолининг барча қатлами дунёқарашини эътиборга олган ҳолда таълим олиш ва касб-ҳунар эгаллаш, қарорлар қабул қилиш жараёнида аёлларнинг иштирок этиши, оилада фарзандларни бирга тарбиялаш, одам савдоси ҳамда инсон шаъни ва қадр-қиммати топталишининг олдини олишга оид мавзуларни ТВ ва радиода ижтимоий роликлар, плакат ва рисолалар воситасида очиб беради.

— Жамиятнинг муҳим бўғини бўлган аёллар оила ва умуман миллат саломатлиги ва самарадорлиги, авлодлар келажагининг порлоқ бўлишида катта ҳисса қўшмоқда,- дейди БМТ Тизимининг Ўзбекистондаги доимий вакиласи Анита Ниради хоним. - Гендер тенглигининг яна бир муҳим жиҳати — унинг Минг Йиллик Ривожланиш Мақсадларининг асосий қисми эканлигидадир.

Тадбир сўнггида ташкилотчилар мазкур компаниянинг ижтимоий ва хайрли мақсадларини тарғиб этишда ОАВ томонидан қўллаб-қувватланишига ишонч билдиришди.

БМТ Тараққиёт Дастури 1993 йилдан буён Ўзбекистонда фаолият юритади. Ташкилот ҳукумат ва ноҳукумат институтларга иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашади. Дунёнинг 116 мамлакатида фаолият юритаётган ташкилот бундан ташқари, давлатларга глобал ва миллий ривожланиш масалалари бўйича ҳам ҳамкорликда иш олиб боради.

Ботир МУСУРМОНОВ,
«Туркистон-пресс»

МАЪНАВИЯТ

АЙЁМ

Йилбошига йўлдош ўйинлар

ёхуд Наврўз анъаналари

Маматқул ЖЎРАЕВ,
ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор бўлими мудири, филология фанлари доктори, профессор



(Давоми.
Боши ўтган сонда)

Буюк олим Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғотит турк" асарида қиш билан баҳор мунозарасига доир:

Қиш ёз билан топишди,
Қинғир кўз-ла боқишди,
Бир-бирига ёпишди,
Ғалабани исташур, -

каби қўшиқлар кўп келтирилади.

Бу икки фаслнинг ўрин алмашиши қадимги туркийлар турмушида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Қиш бўйи ўзи ҳам, мол-жони ҳам қийналиб, илиқ кузилди даврига базўр етиб келган чорвадор ҳам қишлик озуқасини тежаб-тергаб, тинка-мадори қуриган, қиш бўйи даласини соғинган деҳқон учун бу совуқ ва очлик азобидан қутилиб, тўкин-сочинлик, қут-барака, фаровонликка етишадиган, эзгулик кучлари тантана қиладиган дамдир. Шунинг учун ҳозиргача кўпчилик туркий-забон халқлар Наврўзни **"улуснинг улуғ куни"** дейишади. Кексалар суҳбатига қулоқ тутсангиз, *"Улус куни улуғ кишилардан дуо олган киши албатта ниятига етади"*, деган гапни эшитасиз. Ҳатто бир-бирини йилбоши билан қутлаётган боболар муборак юзларига фотиҳа тортаётиб, *"Илоҳим, улус куни қутли бўлсин, тўрт тулигимиз сутли бўлсин, омин оллоҳу акбар!"* - деб яхши ният билдирадилар. **"Тўрт тулик"** деганда чорвамизнинг асосини ташкил этувчи қорамол, туя, қўй ва от назарда тутилмоқда.

Бизнингча, баҳор байрамининг ўзига хос анъаналаридан бири бўлган кўпкари ёки улоқ чопиш ўйинининг пайдо бўлиши ҳам қадимги туркийларнинг Наврўз билан боғлиқ кўҳна удумларига бориб тақалади. Кўпкари ниҳоятда қадимий тарихий асосларга эга бўлиб, унинг ришталари Наврўз таркибига кирувчи удумлардан бири - келаётган янги йил ҳосилининг чўғини чамалаш билан боғлиқ эътиқодий қарашлар ва ирим-сиримларга бориб тақалади.

Бизнингча, халқимизнинг тўй ва сайлларида анъанавий тарзда ташкил қилинадиган «кўпкари» («улоқ») ўйини ҳам аслида серҳосиллик ғояси билан алоқадор рамзий ўйин бўлган. Кўпкари ўйини тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан.

Халқимиз орасида «кўпкари» ўйини билан алоқадор талайгина удумлар, одатлар ҳам мавжуд. Чавандозлар кўпкаридан бир неча кун аввалдан ўзларининг улоқчи отларини мавсумга тайёрлайдилар. Бу одат «**отни совутиш**» дейилади. Улоқ ташлангач, уни чаққонлик билан ердан узиб ола билган чапдаст чавандоз кўпкаричи отлар тўдасини ёриб чиқиб, ўн-ўн беш метрлар чамаси масофагача улоқни олдирмаса ёки уни белгиланган маррага олиб келиб ташласа, «**ҳалол**» ҳисобланади. Сурхон воҳаси туманларида кўпкари чопиладиган майдоннинг бир четида ўчоққа ўхшаган чуқур қазиб қўйилади. Буни «**қоралиқ**» дейилади. Одатга кўра, чавандоз улоқни ана шу чуқурга олиб келиб ташлаши керак бўлган. Халқ орасида машҳур бўлган «**қоралиқ қўймоқ**» удумига кўра улоқ ташланадиган чуқурча ёнига бирор мато бўлагидан махсус байроқча қистириб, белги қилинади. Айрим жойларда улоқнинг бу кўриниши «**қозон кўпкари**» деб ҳам аталади.

Фикримизча, кўпкари ҳам халқимизнинг янги йил ҳосилининг чўғини чамалаш билан боғлиқ эътиқодий қарашлари замирида Наврўз байрами удумларининг шаклланиши жараёнида келиб чиққан умумхалқ ўйинидир. Дастлаб йилбошининг рамзий ўйини ҳисобланган кўпкари кейинчалик ўзининг муқаддас анъана сифатидаги аҳамиятини йўқотган ҳамда халқимизнинг барча байрам ва сайиллари, тўй-ҳашамларининг анъанавий томоша унсурига айланиб кетган. **"Кўпкари"** сўзи ҳам аслида **"кўкбўри"** бўлиб, қадимги туркийлар орасида мўътабар саналган жонзот сифатида эъзозланган бўри ҳақидаги тасаввурларга боғлиқдир. Чунки туркий қавмлар афсоналарига кўра, Ўғузхон кўкбўри билан учрашиб, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликни ўрганиб, фаровонликка эришган кун йилбоши қилингани учун ўша байрамнинг рамзий ўйинларидан бирини ҳам муқаддас жонивор номи билан **"кўкбўри"** деб аташган. Бу сўз кейинчалик ўзгаришга учраб, **"кўпкари"** тарзида талаффуз этиладиган бўлган.

Наврўз байрамининг анъанавий удумларидан яна бири йилбоши сайлида кураги ер кўрмаган полвонларнинг кураш тушишидир. Курашнинг ташкил қилиниши ўзининг томошавийлиги ва йиғилганларга ўзига хос завқ бағишлаши билан алоҳида ажралиб туради. Миллий кураш ўзбек халқининг мардлигини, тантилигини ва ориятлилигини намойиш этувчи қадимий қадрият саналади. Ҳар йили Наврўз байрамида қишлоқларимизда кураш ташкил этилади. Узоқ-яқиндаги барча полвонлар кураш бўлишини эшитгач, белига белбоғини маҳкам боғлаганча кураш майдонига тушадилар. Эл орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган, ҳалол ва жўмард баковуллар томонидан бошқариладиган кураш баҳслари Наврўзнинг чинакам кўркига айланиб кетган.

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жиғачи қишлоғида ҳам ҳар йили Наврўз байрами куни ёки йилбошидан кейинги биринчи якшанба куни Осиё авлиё номли мозор яқинида катта кураш сайли ўтказилиши ўзига хос анъанага айланган. Чунки бу қишлоқ азалдан ўзининг полвонлари билан машҳур бўлган. Бу қишлоқ курашчилари ўзларини етти яшар тутни бир тортганда қўпориб олган афсонавий Мурод полвоннинг авлодлари, деб биладилар. Ўзининг *«қоқма»*, *«чап ёнбош»*, *«ўғри тўғаноқ»*, *«туя чилиш»*, *«ерга ёпти»*, *«ёқа тортма»*, *«силкма»* каби ғаройиб усуллари билан ўзбек миллий кураши тараққиётига катта ҳисса қўшган «Бургут полвон» (Оллоқ полвон) ҳам шу қишлоқда туғилиб ўсган. Шунинг учун ҳам жиғачиликлар елкаси ер искамаган полвонлар баҳсини яхши кўришади.

Жарчилар бир неча кун аввал шу яқин атрофдаги барча қишлоқ аҳлини сайилга чорлайдилар. Олис туманларда яшовчи номдор полвонларга хабар юборилади. Аммо аксарият полвонлар бу кураш сайли ҳар йили ўтказилишини яхши билишгани боис, анча аввалроқ унга тайёргарлик кўрадилар: ўз шогирдлари билан тинимсиз машқ қилиб, курашда совринсиз қайтмасликни кўнгилга тугиб қўядилар.

Сайил куни ям-яшил майсалар билан қопланган қум барханлари орасидаги бу сайилгоҳнинг бир томонида катта мис қозонларда кўклам шодиёнасининг анъанавий таоми – «**ҳалиса**», яъни ҳалим пиширилади. Бир томонда турли ширинликлар, баҳорий пиширириқлар, мева-чевалар савдоси ташкил этилади. Жиғачи қишлоғи азалдан ўзининг қўлигул ҳунармандлари – турли-туман уй-рўзғор буюмлари ясовчи темирчилар, пичоқчилар, кулоллар, тандирчилар ҳамда кигизчилари билан машҳур бўлиб келгани боис, «кураш сайли»да ҳам бу касб эгалари ўз маҳсулотлари билан савдо қиладилар. Болакайлар барханлар устига чиқиб шодон қийқирганча варрак учирадилар. Кексалар набиралари билан Осиё авлиё мозорига бориб, ўз яқинларининг қабрларини зиёрат қиладилар. Мозорларни хас-чўплардан, ўтўланлардан тозалайдилар. Қаердандир ҳазин овозда оҳиста куйлаётган бир момонинг йўқлов қўшиқлари элас-элас қулоққа чалинади:

Орқа сочим яғирнимни қуршайди,
Опам бўйи бўйгинамга ўхшайди,
Опам десам суякларим қақшайди,
Элим-куним кўрма ўлим доғини.

Дарахт экиб соясида ётмаган,
Қўл узатиб мевасидан тотмаган,
Наврўз куни офтобдайин ботмаган,
Опамдайин мардлар ўтди ёронлар...

Ҳалиса пишган қозонлар очилиб, таом тарқатилгандан кейин ҳамма одамлар кураш майдони томон оқиб кела бошлайдилар. Етти пушти курашда тобланган кекса баковул Ҳамро полвон ўртага чиқади-да, оппоқ соқоли кўксини қоплаган нуроний отахонлар томон юзланиб, фотиҳа сўрайди. Элнинг фотиҳаси олингач, кураш бошланади. Анъанага кўра, кураш мусобақаси сайил-томошаларда, тўй-ҳашамларда ўтказилган курашларда ҳамиша ғолиб бўлиб, кураги асло ер кўрмаган тажрибали кекса полвонларнинг рамзий олишуви билан бошланади. Шундан кейин ёш полвонлар ўзига тенгқур курашчилар билан беллашадилар. Улар ҳам икки-уч қур олишганларидан кейин курашнинг энг қизғин ва ҳаяжонли дақиқалари бошланади. Одат бўйича кураш мусобақасининг охирида ўртага учта «товоқ» ташланади: Ҳамро полвон қўлидаги ош сузиладиган учта товоқни давранинг уч жойига ташлагач, чапдаст полвонлар шулардан бирини қўлга киритиш учун чаққонлик билан ўртага чиқадилар. Шу тариқа «товоқ эгаси» бўлган полвон «товоқ» олган ҳисобланади. Баковул «кичик», «ўрта» ва «катта» товоқ эгаларининг ҳар бирини ўнг қўлидан ушлаб даврани айлантирар экан, «Товоқни жиғачилик Қодир полвон олди, талабгор бўлса чиқарверсин!», қабилида таништириб, совринни эълон қилади. «Товоқ кўтарган» полвонларнинг ҳар бирига талабгор чиққандан кейин, навбати билан олишувга гал берилади. «Товоқдор» полвонлар давранинг кекса чоллар ўтирган тарафига юзланиб тиз чўкади ва кўпни кўрган кекса полвонлардан дуо олгач, курашга тушади. «Товоқ» олган полвонлар олишуви тугагач, кураш то кечга қадар давом этади.

Наврўз байрами удумлари тизимидаги «кураш» баҳси ҳам аслида рамзий моҳиятга эга бўлиб, унинг тарихий асослари аждодларимизнинг серҳосиллик ғояси ва эзгулик тантанасига оид қадимги тасаввурларига бориб тақалади.

Баҳор фаслидаги мавсумий маросимларда кураш баҳсининг ўтказилиши ўлиб, қайта тирилувчи табиат культининг ифодаси бўлиб, рамзий маънода қиш ва ёз фасллари ўртасидаги кураш тимсоли ҳисобланади. Зеро, туркий халқлар орасида оламнинг ибтидосини Эзгу ва Ёвуз кучларнинг курашига боғлаб тушунтирувчи мифологик тасаввурлар ҳам мавжуд. Хусусан, бошқирд мифларидан бирида айтилишича, ҳали олам яратилмасдан бурун Эзгу ва Ёвуз куч ўртасида кураш бўлиб ўтган. Бу курашда Эзгу куч ғолиб чиққач, оламнинг ҳозирги тартиботи ҳосил бўлган.

Ёқутларнинг баҳорга бағишлаб ўтказиладиган миллий байрамида қиш билан ёз тимсолини ўзида мужассамлаштирган кураш баҳси муҳим ўрин тутган. Анъанага кўра, йигитлардан биттасига оқ тойчоқ териси ёпинтирилган бўлиб, у янги йил ҳомийси сифатида тасаввур қилинган ва «айы»нинг ўғли деб аталган. Устига қора той терисини ёпинган полвон эса тугаб бораётган «эски йил» тимсоли бўлиб, отини «абаасы» дейишган.

(Давоми бор)

БАРКАМОЛ АВЛОД — МИЛЛАТ ПОЙДЕВОРИ

Бола тарбиясида оиладаги муҳитнинг таъсири кучли бўлади. Инсоннинг хушахлоқ, маънавий етук, баркамол бўлиб вояга етиши энг аввало, оилада берилган тарбияга боғлиқ. Шунинг учунми халқимиз қадимдан болалар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келган. Доно халқимиз "Қуш уясида кўрганини қилади", "Бола бошидан, ниҳол ёшидан" деган нақлларни бежизга айтмайди.

"Қуш уясида кўрганини қилади"

ёхуд бола тарбиясида оиланинг ўрни хусусида

Камола РАҲИМОВА,
ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси етакчи мутахассиси



Болани тарбия қилишда ота-она ҳар бир дақиқани, фурсатни бой бермаслиги керак. Қачонки фарзанд оиладан эътибор, меҳр тополмаса, у ўзгаради, оиладан узоқлашади. Ота-онанинг бола тарбиясига бефарқ қараши кўплаб кўнгилсизликларга олиб келиши барчамизга аён. Тарбиянинг бўшлиги қанчадан-қанча ёшларнинг ўн гулидан бир гули очилмай хазон бўлишига сабаб бўлган. Шундай экан, оилада аввало ота-она тарбиячи вазифасини ҳам бажариши лозим. Бунинг учун эса ота-она ҳар томонлама билимга эга бўлиши, фарзандларининг ёшини, ички кечинмалари ва феъл-атворини эътиборга олган ҳолда турли тарбия воситаларидан фойдалана олиши зарур. Ўзбек оилаларида бола тарбиясида насиҳат, ибрат, намуна кўрсатиш, тушунтириш, рағбатлантириш, танбеҳ бериш, огоҳлантириш каби усуллардан кенг фойдаланилади. Ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабат бола тарбиясига ижобий таъсир қилади. Қолаверса, оиланинг етарли даражада моддий таъминланиши ота-оналарнинг ўзаро бир-бирини тушуниб, аҳил, иноқ турмуш кечиришлари, яъни соғлом маънавий муҳит мустаҳкам оилани шакллантиради. Юртимизда кўп болали оилалар анча. "Ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бошқа" деганларидек, ота-оналар ўғилми, қизми, тўнғичми, кенжами уларга бирдек муносабатда бўлишади. Ота-она катталарини ўрнак қилиб, кичикларни ёшликдан меҳнатга ўргатиб тарбиялаши лозим.

Кўпинча кам болали оилаларда ёлғиз фарзандим, овунчоғим деб фарзандларини ҳаддан зиёд эркалайдилар. Натижада бола эрка, хоҳлаган ишини қиладиган бўлиб вояга етади. Бундай болада масъулият кам бўлади. Оилада қатъий интизом ва кун тартиби бўлса, болалар тарбиясига ижобий таъсир қилади. Болаларнинг билим олиш ахлоқи, соғлом ўсиши кўп ҳолларда кун тартибининг тўғри ташкил этилишига ҳам боғлиқ. Бунинг учун ота-оналарнинг ўзлари бажарган амалларида фарзандларига ўрнак бўлишлари, кун тартибига қатъий амал қилишлари, бунга фарзандларини ҳам ўргатишлари лозим. Баъзи оилаларда оталарнинг ичкиликка берилиб кетиши оқибатида оиладаги соғлом муҳитга путур етади. Натижада, фарзандлар асабий ва одамови бўлиб қолади, уйдан узоқлашади, ота-онанинг фарзанди олдидаги обрўси йўқолади.

Ота оила бошлиғи, посбонидир. Ота оилани ҳар томонлама таъминлаб, уларга ғамхўрлик кўрсатиб обрўсини мустаҳкамлайди. Оилада ижобий тартиб интизомни шакллантира олган ота жамоат орасида ҳам обрў топади. Оилада отанинг маънавияти паст, обрўсиз бўлса, бола ҳам шу муҳитда ўсиб ўзига барча салбий хислатларни юқтириб олади. Оилада ота билан биргаликда онанинг ҳам ўз ўрни бор. Онанинг меҳрли алласи болаларда меҳр-муҳаббат туйғусини уйғотади. Она фарзандларига алла орқали дастлабки ҳис-туйғусини, мурғак қалбга илк таассуротларини изҳор қилади. Афсуски, ҳозирги кунда ёш оналар алла айтишни унутиб қўйишган. Буни олдини олиш, халқимизнинг азалий қадриятларини асраш ва тарғиб қилишимиз шарт. Беланчак олдида онанинг орзу-умидлари, ҳис-туйғулари, бўлғуси инсоннинг порлоқ йўли ва келажак режалари алла ёрдамида баралла жарангласин. Алла қиз болалар тарбиясида жуда муҳим ўрин тутади. Чунки у катта бўлгач, ниҳол каби бошқа уйга кўчиб ўтади, оила қуради, фарзандли бўлади. Қиз бола алла айтиш, болани тарбиялашни онадан ўрганади. Зеро, у ҳам келажакда она бўлади, фарзандини тарбиялаб, вояга етказади.

ПРЕМЬЕРАДАН СЎНГ

"Сув ёқалаб"

Баҳорнинг илк кунларида Киночилар уйида ушбу янги фильмнинг премьераси бўлиб ўтди

Зафарбек МУҲАММАД,
"Milliy tiklanish" мухбири



Маҳоратли кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимовнинг галдаги фильми ёзувчи Эркин Аъзам сценарийси асосида суратга олинган. Фильмнинг бош қаҳрамони Болта Мардон образини Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов талқин қилган. Шунингдек, фильмда таниқли актёрлар Тоҳир Саидов, Жамшид Зокиров, Сайёра Юнусова, Зулхумор Мўминова, Отабек Мусаев, Гулчеҳра Иброҳимбекова ҳамда қўқонлик актриса Ойша Жўраевалар иштирок этишган.

"Сув ёқалаб" фильмида умр бўйи элга хизмат қилган, одамларга яхшилик улашган кекса инсон Болта Мардон ҳаётининг сўнгги кунлари ҳикоя қилинади. Машъум кунга қадар фильм қаҳрамонининг тушига эски тут дарахти киради. Тонг отгач, боғига йўл олган отахон ўша тушига кирган тут дарахтини қидира бошлайди. Бироқ, боғидаги дарахт бошқа бўлиб чиқади. Ҳафсаласи пир бўлган Болта Мардон эрталабки чойини ҳам ичмай, аёлига ўғилларини чақириб келишни буюради. Ота икки ўғлини олиб, сув ёқалаб йўлга тушади. Ўша йил ниҳоятда қурғоқчил келгани боис, ариқларда бир томчи ҳам сув йўқ эди...

Фильм қаҳрамони Болта Мардоннинг ташвиши жуда кўп. Бир ёқда дабдаба ва кайфу сафога берилган ўғиллар, эрининг хориждан келишини кун санаб, адои тамом бўлган якка-ю ягона қизи... Буларнинг бари отани ҳаддан зиёд ҳолдан тойдирган эди. У умрининг энг сўнгги кунини ҳам эзгу иш — сув келтириш учун сарфламоқчи бўлади. Бироқ, ҳар доим боғига оқиб келган сув, шу сафар етиб келмайди...

Фильм ниҳоясига етгач, Киночилар уйининг мажлислар залида зиёлилар ҳамда фильм ижодкорлари иштирокида ОАВ вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда сўзга чиққан ҳар бир иштирокчи фильм ҳақида турлича фикр билдирди. Шунга қарамай, кўпчилик фильм чинакамига миллий, ўзбекона чиққанига урғу бериб ўтишди. Тўғри, фильмга ишланган мусиқани у даражада миллий деб бўлмайди. Киноижодкорларнинг айтишича, улар "Сув ёқалаб" фильмига имкон қадар янгича ёндашишга ҳаракат қилишган. Бу нарса нафақат ижрода, балки мусиқада ҳам сезилиб туришини исташганини айтишди. Анжуманга йиғилган барча иштирокчилар бир нарсани: бу каби учрашув ва мулоқотлар тез-тез ўтказиб турилишини таъкидлашди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ


Беҳбуд БОТИРОВ

Яқинда Швейцарияда дунёнинг йирик автоконцернлари томонидан ишлаб чиқарилаётган энг сўнгги русумдаги автомобиллар кўргазмаси бўлиб ўтди. Бир-биридан чиройли, арзон ва энг муҳими, ҳар томонлама қулай бўлган мазкур транспортларни кўриб, автоконцернлар жаҳонда юз бераётган молиявий инқирозга янада бежирим, ихчам маҳсулотлари билан жавоб бераётгандек туюлди. Мутахассислар фикрича, келгусида автомобилларни "сотка" орқали бошқариш имконияти яратилади!

Қутичалардаги инсоният қудрати

Техника ихтиролари чархини аслида аравaнинг ғилдираги тезлаштириб юборди. Аммо энди одамлар оламшумул кашфиётларни 4 аср кутиб ўтиришларига ҳожат қолмади

● "Ахборот технологияси" фани математика, физика, информатика ва бошқа қатор фанлар билан бевосита боғлиқ. "Ахборот технологиялари" иборасидаги "технология" сўзи лотинча "texnos" - санъат, ҳунар, соҳа ва "логос" - фан деган маънони билдиради. Яъни, технология - бирор вазифани бажаришда унинг турли хил усуллари кўринишини билдиради.



XXI асрга келиб барча соҳаларда шиддат ва ривожланиш янада тезлашди. Деярли ҳар куни дунёнинг у ёки бу бурчагида бирор кашфиёт қилинганини эшитамиз. Инсоният турмуш тарзининг ривожланиши янги-янги кашфиётларнинг яратилишига сабаб бўлмоқда. Одатда, ҳар қандай янгилик даставвал турли тўсиқларга дуч келади ва уларни енгиб ўтиш мобайнида яна янги ихтиролар пайдо бўлади.

Биргина мисол: Тош асрида одамзод аравaнинг ғилдирагини кашф этди. Орадан оз эмас 3,5 минг йил ўтгач, аравага жон киритилди. Бошқачароқ айтганда, инсоният қарийб 4 асрдан сўнг аравага мотор қўйишни кашф этди ва у машинага айланди. Натижада аравада бажариладиган ишлар бир неча бараварга қисқарди, узоқ манзиллар янада яқинлашди. Айни шу ғилдирак келгусидаги мисли кўрилмаган катта-катта ихтиролар, тараққиётга тамал тошини қўйди. Буни қарангки, ғилдиракнинг оёғини ердан узиш учун инсониятга атиги 30 йил керак бўлди. XIX асрнинг охирида тиниб-тинчимас одамзот самони ҳам забт этди – самолёт яратилди.

Жамият тараққиётида юз берaётган жадал ўзгаришлар барча соҳаларга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу таъсир шунчалик кучлики, ахборот технологияларида бўлаётган ўзгаришлар йиллар ичида эмас, балки, ойлар, кунлар ичида ўзгариб, бойиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб кашфиётлар орасидаги вақт тафовути тобора қисқариб бормоқда. Ўтган асрдаги сингари бирор кашфиёт учун 30 йил ёки 30 кунни кутиб туришга ҳожат йўқ, ҳар куни бир янгилик навбат кутиб туради. Бу орқали англаш мумкинки, ҳозир ҳеч ким ўзи яратган кашфиёти билан узоқ мақтана олмайди, орадан 3 кун ўтиб ундада мустаҳкам, янада мукаммалашган вариант чиқиши шубҳасиз.

Хўш, замоннинг бугунги шиддати нимага олиб келади? Замонавий ахборот технологияларидаги бундай ривожланиш нимани англатади?

Ахборот технологиялари орасида энг илдам ривожланаётгани бу – уяли алоқа воситаси десак муболаға бўлмайди. Бундан 20 йил аввал кўчада бировнинг ўзи билан ўзи гаплашиб кетаётганини кўрсак, шубҳасиз уни ақлдан озган, деб ўйлардик. Бугун эса бу манзарани мутлақо оддий қабул қиламиз, "қўл телефони қулоқчинли экан" деб қўя қоламиз.

Бугунги кунда сайёрамизда "сотка"дан фойдаланувчилар сони қарийб 4 миллиардга етди. Юртимизда дастлаб қўлида ғиштдан кичикроқ "сотка"ни кўтариб юрадиган одам бошқалар наздида юқори мартабали киши ҳисобланиб, кимдадир ҳавас, кимдадир ҳасад уйғотарди. Оддий одамлар учун мобиль телефони худди "Мерседес" автомобили каби хом хаёлдай гап эди: аппарат нархи 1000 долларгача, бир дақиқалик сўзлашув эса тарифларга кўра 1 доллардан 5 долларгача бўлган. Ҳозирги кунда эса сўзлашув нархлари йилдан-йилга пасайиб, аппаратлар тобора ихчамлашиб, арзонлашиб кичик қутичада мингдан ортиқ операцияларни бажариш имконияти пайдо бўлмоқда. Ўтган 5-6 йил ичида содир бўлган бундай фан-техника тараққиёти бизнинг дунёқарашимизни шу каби ҳодисалар билан бойитди.

Яқин-яқинларгача биз бирор нарсани харид қилиш учун алоҳида-алоҳида дўконларга борардик. Супермаркетларнинг пайдо бўлиши эса хизмат қилишнинг янги технологияси бўлиб, у сизга керак бўладиган нарсаларни бирваракайига бир жойдан харид қилиш ва қимматли вақтни тежаш имконини яратди. Ёки автомобилларни таъмирлашни олайлик. Хуллас, замонавий технологияларда ҳам шунга ўхшаш жуда катта ўзгариш ва ютуқлар амалга оширилди. Янги ахборот технологиялари ёки компьютернинг пайдо бўлиши эса соҳадаги хизмат қилиш усулини тубдан ўзгартирди.

Унинг ёрдамида банк фаолияти, иқтисодиёт, ҳаво кемалари бошқарилмоқда, катта ҳажмли маълумотларни яратиш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш билан боғлиқ ахборот технологиялари ишлатилмайдиган бирор-бир фаолият соҳаси қолмади. Бироқ энди уйдаги компьютернинг ўзи етарли бўлмай қолди. Биз истаган жойимизда, хоҳ у аэропорт бўлсин ёки қаҳвахона ва ёхуд университет бўлсин, ундан фойдаланишни истаймиз. Шунга мувофиқ компьютернинг "мия"си бўлмиш процессорлар ҳажм жиҳатидан кичрайиб бормоқда. Атиги бармоқ учидек келадиган чипларга, масалан, бутун бошли "Париж кутубхонаси"ни сиғдириб юбориш ҳеч гап эмас.

Соҳадаги бундай ихчамлашув "нанотехнология" дейилади. Бу ҳозирги пайтда энг замонавий технология саналиб, бундан мақсад ҳамма нарсани миттилаштиришдир. Масалан, келгусида барча операцияларни амалга оширадиган компьютерлар қўл соати ҳажмида бўлади. Бунинг натижасида ҳозирда барча соҳаларда қўлланилаётган асбоб-ускуналарга кетаётган материаллар тежаб қолинади, нанотехнологиялар асосида яратилган буюмлар ихчамлашиб, уларнинг самарадорлиги ошади ва бундан иқтисодиёт, табиийки, катта фойда кўради.

Мутахассисларнинг фикрича, бугунги шиддат, тараққиёт шу тарзда давом этса, инсоният олдида турган энг долзарб муаммоларга ҳам ечим топилади. Башоратларга кўра, келгуси 10 йилдан сўнг тиббиёт ўз тарихидаги энг катта натижани қўлга киритади – саратон касалининг давоси топилади. Бу эса ўз-ўзидан ОИТС касаллигининг давосини топишга катта туртки беради. Бу ҳолат яна 30 йилдан сўнг амалга ошаркан.

Энг янги ахборот технологияларини қўллаш жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шарти. Ахборот технологиялари ривожининг ҳозирги босқичида, ахборот технологиялари кун сайин ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олаётир. Соҳада шунчалик ақлбовар қилмас ишлар амалга оширилмоқдаки, бундан инсон ҳайратга тушади.

XXI асрни ахборотлаштириш ва коммуникация асри деб бежиз аташмайди. Ташкилотларга ўрнатилган автоматлаштириш жиҳозлари йилдан-йилга янгиланиб, техник жиҳатдан такомиллаштириб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, янги асрда ахборот технологиялари билан ишлаш ва ахборотлаштириш жуда ривожланди. Бунга сабаб, кундалик турмушда ахборот, уларни қайта ишлаш ва узатишнинг аҳамияти ортиб бораётгани билан боғлиқ.

Ахборот технологиялари янги асрнинг янги имкониятлари. Бу соҳа билан ишлашнинг фойдаси ва самарадорлиги жуда катта, бир "сир"ни сизга айтиб қўяйлик: бу "соҳа"га кириш бор-у, чиқиш йўқ! Бир ҳафтагина XXI аср технологиясидан фойдаланган, унинг имкониятларини ўз тажрибасида синаб кўрган одам тез орада унинг харидорига айланиши тажрибаларда исботланган.

● "Келажак овози" республика кўрик-танловининг "Ахборот-коммуникация технологиялари" йўналиши ғолиби сурхондарёлик Улуғбек Эсонқулов ёш дастурчи. У Термиз Ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида таълим олади. У "Ўзбекистон электрон тиббий энциклопедияси" электрон порталини яратган. Ўзбек ва рус тилидаги ушбу портал фойдаланишда қулайлиги, касалликлар ҳақида маълумотлар, тиббий луғат, малакали шифокорларнинг маслаҳатлари мавжудлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

ЭНГ ЙИРИК КАШФИЁТЛАР

Яқинда бир гуруҳ мутахассислар инсониятнинг турмуш тарзини бутунлай ўзгартириб юборган сўнгги 25 йил ичидаги энг йирик ва муҳим кашфиётлар рўйхатини тузиб чиқишди.

Аввалари китоб керак бўлса ёки айтайлик, ўзимиз ёқтирган ҳофизнинг қўшиқларини тинглаш истаги туғилса, албатта, харид учун дўконга боришимиз шарт эди. Ҳозир эса буларнинг барига уйдан чиқмай ҳам эга бўлишимиз мумкин. Бугун янги мобиль алоқа, симсиз технологиялар (1-ўрин) туфайли ахборот ва маълумотлар бизнинг доимий ҳамроҳимизга айланди. Ҳарбий техникадаги тараққиёт 2-ўринда. Ҳарбий роботлар ҳозирда Ироқни миналардан тозалаш ва Афғонистондаги ғорларни тафтиш қилишда қўл келмоқда.

Нефть нархининг ошиб кетиши эса муқобил ёнилғи (масалан, водород, ядро, қуёш нури) билан ишловчи двигателлар (3-ўрин) турларига эҳтиёжни кучайтирди. Мутахассислар соҳалар ичида ҳақиқий бурилиш ясаган инновацион технологияларга муносабат билдиришар экан, компьютер аталмиш мўъжизага 5-ўринни беришди. Лазер технологиялари дастлаб 1960 йили патент олган бўлса-да, амалиётда яқин ўтмишдан бошлаб қўлланила бошланди (6-ўрин).


Ҳаётимизга янгилик олиб келган инновациялардан яна бири илмий лабораторияларда юзага келди. Олимлар кўплаб организмларнинг генетик тузилишини тушунтириб беришди (7-ўрин). Технологиялар ва интернет ривожи молиявий операциялар, банк хизматларини ҳам такомиллаштирди (8-ўрин). Қулайлик шундаки, энди бизда интернет ёрдами билан банкдаги ҳисоб рақамимиз, кредит карточкамизни текшириш, шунингдек турли ҳисоб-китоблар ва тўловларни истаган пайтда амалга ошириш имконияти бор. Ўзида жуда кўп ахборотларни жамлаган телефон ва рақамли фотоаппаратларга 10-ўрин берилди. Хуллас, рейтинг билан танишинг.

1. Симсиз технологиялар. **2.** Мудофаа технологияси. **3.** Муқобил энергия билан ишловчи двигателлар. **4.** Биотехнологиялар. **5.** Компьютер. **6.** Лазер. **7.** Генлар устида олиб борилган татқиқотлар. **8.** Глобал молиявий тизимлар. **9.** Процессорлар ва компьютер чиплари. **10.** Рақамли қурилмалар. **11.** Коинот татқиқотлари. **12.** Оптик тола. **13.** Йўлдошли телевидение ва радио. **14.** ДНК таҳлили. **15.** Видеоўйинлар. **16.** Биометрика. **17.** Электр ва сувўтказгич технологиялар. **18.** Сканерли микроскоп. **19.** Батарейкалар. **20.** Спамлар ва компьютер вирусига қарши курашувчи технологиялар.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Ишсизлар ўсмоқда

Испанияда ишсизлар сони рекорд даражага етган.




Жорий йилнинг февраль ойида Меҳнат биржасига қарийб 155 минг нафар испаниялик иш сўраб мурожаат қилган. Бу эса мамлакатда ишсизлар армияси 3,5 миллионга етганини англатади. Мутахассисларнинг фикрича, бу рақам 2009 йилнинг ўрталарига бориб 4 миллионни ташкил этиши мумкин.

Бир йил олдин Испания иқтисодий ўсиш динамикаси бўйича Европада яққол пешқадам давлат эди. Бугунги келиб Қироллик аҳолини иш билан таъминлаш ва солиқ юкини пасайтириш мақсадида 1,5 миллиард евро миқдорида молиявий маблағни сарфламоқда. Таҳлилларга кўра, жорий йилда Испанияда сайёҳликдан келадиган даромад ҳам тушиб кетиши кутилмоқда.

"Очиқ барлар" тўхтайди

Франция миллий кенгаши 18 ёшгача бўлганлар учун тамаки маҳсулотлари алкогол ичимликлар сотувини таъқиқлаб қўйди.



Депутатлар, шунингдек, турли ичимликлар, алкогол маҳсулотлари истеъмол қилинадиган "очиқ барлар" фаолиятини тўхтатиш учун овоз беришган. Қонун лойиҳаси Сенатда муҳокама этилади. Айни пайтда ҳукумат мамлакатда ёшлар таълим-тарбиясидан жиддий хавотирга тушмоқда. Кейинги пайтларда полиция ходимлари томонидан кўчаларда маст-аласт ҳолатда юрган, турли бузғунчи хатти-ҳаракатларни амалга ошираётган ёшлар кўпроқ қўлга тушмоқда.

Алкогол маҳсулотлари сотуви АЁҚШ станциялари ёнидаги магазинлар, кафе ва ресторанларда ҳам ман этилади. Ушбу амал кечқурун соат 6 дан эрталаб соат 8 гача амал қилади. Франция алкогол маҳсулотлари истеъмоли бўйича дунёда 11-ўринда туради. 1961 йилда аҳоли жон бошига 17,7 литрдан тўғри келган бўлса, 2003 йилда 9,3 литрга қисқарди.

Портрет ҳақиқийми?

Буюк Британияда машҳур инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг сурати топилган.



Олимларнинг фикрича, бу асар Шекспир вафот этмасдан олдин чизилган, қолганлари эса драматург олам-дан ўтгач яратилган. Мазкур ноёб портрет бир оиланинг шахсий коллекциясида бир неча йиллар давомида сақлангани аниқланган. Британиялик профессор Стенли Уэллснинг фикрича, портрет кичик деталларигача баайни ўхшаш. Маълумотларга кўра, ушбу экспонат 1610 йил, Шекспир ўлимидан 6 йил олдин яратилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрлади

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Тадқиқотчилар йилнинг энг ноёб топилмаларини аниқлашди

Ўтган йил археологик топилмалар ва кашфиётларга ниҳоятда бой бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Негаки, қайси бир газета ёки журнални ўқиманг ҳар бирида жуда бўлмаганда битта қадимги топилма, кашфиёт ҳақида сўз боради. "Archeology" журнали ҳар йилги анъанани давом эттирган ҳолда 2008 йилда аниқланган энг ноёб қадимги топилма ва кашфиётларнинг рўйхатини тузиб чиқди. Қуйида ана шу топилмалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Маълумки, қадимги майялар цивилизациясида рангларга алоҳида аҳамият берилган. Айниқса, худолар учун қурбонликка аталган асирлар кўк рангли бўёқларга бўялгани ҳам тарихдан яхши маълум. Бироқ ўша даврда фойдаланилган кўк рангли бўёқ таркиби шу пайтгача номаълум эди. Яқинда Витон коллежи(Иллинойс, АҚШ) антропологи Дин Арнольд ана шу бўёқнинг таркибини аниқлашга муяссар бўлди. У Чикагодаги Филд тарихи музейида сақланаётган қадимги чашкадаги бўёқ қолдиқлари бўйича тадқиқот ўтказган. Диннинг айтишича, ўшанда қадимги кўк бўёқни индиго барги ва тупроқ аралашмасидан тайёрлашган.

Перу. Ўтган йилнинг августида Варилар маданиятига тааллуқли 1700 ёшли мўмиёланган жасад ҳам топилган. Мўмиё жун мато билан қават-қават қилиб ўралганлиги боис ниҳоятда яхши сақланган. Шунингдек, унинг юзига ёғоч ниқоб, кўзларига эса кўк рангли денгиз чиғаноғи елимланган. Жасаднинг ёнидан топилган тўқув сим ва ипларга қараганда бу одам ҳаётлик пайтида тикувчи ёки тўқувчи бўлган, дейишмоқда олимлар.


Туркиянинг қадимги Самал шаҳри ҳудудидан топилган 350 килограммли қадимги ёдгорлик тоши эрамиздан аввалги саккизинчи асрга оид бўлиб чиққан. Виржиния университети аспирантлари Риммер ва Бенжамен Томаслар ана шу тошга қараб финикияликлар алифбосида битилган ёзувларни таҳлил қилиб кўришган. Уларнинг фикрича, одамлар ўша даврлардаёқ руҳ жасаддан ажраб чиқишини билишган экан.

Навбатдаги топилма муҳимликда бошқа топилмалардан асло қолишмайди. Орегонанинг шарқий ҳудудида 14300 йил аввал яшаган одамларнинг (Кловис маданиятига тааллуқли) тошга айланган чиқинди парчалари топилган. Денис Женкинсон бошчилигидаги гуруҳ ўтказган тадқиқотнинг муваффақияти шундаки, улар топилма орқали қадимги одамларнинг ДНКсини ҳосил қилишга муваффақ бўлишган.

Афғонистоннинг Бомиён водийсидаги ғордан VII асрга тааллуқли мой бўёқларда чизилган тасвирлар топилган. Олдинлари мой бўёқ XII асрда пайдо бўлган деб ҳисобланарди. Буни қарангки, халқаро археологик экспедиция элликка яқин ғор деворларида буддавийлар ҳаётига оид диний саҳналар асосан мой бўёқлар ёрдамида тасвирланганини аниқлаган.

Сьерра-де Атапуэрка тоғидаги(Испания) Фил ғоридан қадимги одамнинг тиш суякларини топган испаниялик тадқиқотчиларнинг айтишича топилманинг ёши тахминан 1,3 млн. йилга тенг бўлиши мумкин. Агар шундай бўлса, Африкадан Европага илк бор аҳолининг кўча бошлаган санаси салкам ярим миллион йилга каттаради.

Америкалик антрополог Эрик Тринкаус одамзот бундан 42 минг йил аввал пойафзал кия бошлаган, деган назарияни илгари суриб келган. Мутахассислар эса бу воқеага камида 26-30 минг йил бўлганини тахмин қилишарди. Бироқ, Пекин ёнидаги Тьянань ғорида топилган қадимги одам оёқ панжаларининг суякларини текширилганида ҳақиқатан ҳам одамлар роппа-роса 42 минг йил илгари нафақат пойафзал кийишгани, балки пойафзаллар ниҳоятда мустаҳкам қилиб ишлангани маълум бўлган. Бугунги кун олимлари оёқ панжаси суякларининг кўринишига қараб инсон қандай пойафзал кийганини аниқлашмоқда. Олимнинг айтишича, янги тадқиқот натижаси инсоният тарихини янада кўпроқ маълумотлар билан бойитишга ёрдам бераркан. Дарвоқе, ҳозиргача сақланиб қолган энг қадимги пойафзал (сандал) эрамиздан аввалги 10 минг йилликка тааллуқли экан.



Ўтган йили португалиялик геологлар Намибия соҳиллари яқинида денгиз тубидан XVI асрда чўкиб кетган Португалия савдо кемаси ҳамда бебаҳо хазиналарга дуч келишган. Уларнинг айтишича, капитан каютасидан Испания қироли Фердинандо ва Изабелланинг тасвири туширилган олтин тангага лиқ тўла сандиқ ҳамда бир қанча фил суяклари, мис буюм, қадимги астрономик ва бурчак ўлчовчи асбоблар денгиз тубидан олиб чиқилган.

Яна бир ноёб топилма Туркиядаги қадимги Сагаласос шаҳрида олиб борилган қазишмалар чоғида аниқланган. Археологлар Рим императорининг мармар ҳайкалини, шунингдек, қадимги термларга ўрнатилган Андрианнинг улкан ҳайкали, Марк Аврелий ва императорнинг рафиқаси Антонина Пиянинг бюстларини ҳам топишган.

Чукотканинг Нунлигран қишлоғида эса археологлар бир ярим метрлик китнинг сўйлоқ тишини топиб олишган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, унда айиқ, овчи ҳамда қайиқдан туриб китга ҳужум қилаётган кишининг тасвири ўйиб туширилган. Топилманинг ёшига келсак, у тахминан 3 минг йил бўлиб, олимлар бу топилма кит овининг илк даврларини билдиради, дейишмоқда.

Ушбу рўйхатдан жой олмаган, бироқ, қадимги цивилизациялар ҳақида жуда кўп маълумот берувчи топилмалар дунёда кўп. Россиялик археолог Лев Сергеев ва Хизри Амирхановнинг фикрича, инсонлар энг қадимги тош асридаёқ санъатни аёл гўзаллигига қиёслашган. Қолаверса, бундай хулосага келишга Зарайск шаҳридан топилган тош асрига тегишли санъат дурдоналари ҳам сабаб бўлгандир. Археологлар томонидан топилган икки дона тош статуэткада аёл тасвирланган бўлиб, унга "Тош асрининг Венераси" деб ном берилган. Худди шундай статуэткани археолог Йозеф Сцомбати 1990 йили топиб олган эди. Афсуски, эрамиздан аввалги тахминан 22-24 минг йилларда тайёрланган статуэтканинг қайси цивилизация, қай бир маданиятга тааллуқли экани аниқланмаган. Шунингдек, қазилма ишлари чоғида мамонтнинг қовурғаси топилган бўлиб, қарангки унда ҳам аёллар акс этган.

Британиялик археологлар Уайт оролининг Ла-Манш бўғозига яқин сув тубидан тош асридан буён сақланиб қолган арқонни топиб олишган. — Буни "фантастик топилма" деса арзийди, негаки органик материалдан яратилган нарсалар аллақачон парчаланиб кетиши керак эди. Ушбу арқон эса айнан органик моддадан, яъни ёввойи қичитқи ўтидан тўқилган бўлиб, узунлиги 11,5 сантиметрни ташкил этади, дейди "British Archeology" журналининг муҳаррири Майк Питтс.

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

МИЛЛИЙ САНЪАТ — МИЛЛАТ ГАВҲАРИ

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Чизгиларда акс этган хаёл

аждодларимиз ўз туйғуларини ранглар орқали ифодалашни билишган

...1965 йиллар. Темурнинг Баллаорол туманидаги ҳозирги Амир Темур номли мактабни тугаллаган чоғлари. У Самарқандга боради. Ўша пайтларда нураб, бузилиш арафасида турган Бибихоним ва бошқа осори-атиқаларни кўриб, кўзига ёш олади...

Тошкент Давлат Педагогика институтининг бадиий графика факультетида ўқиб юрган чоғларида ҳам бу фикр унинг



хаёлидан кетмайди. 1970 йилда устози Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров билан "Юлдуз" саройини безашда қатнашганида ҳам ана шу туйғу яна жунбушга келади. Чунки осори-атиқалар нурагандан нурар, шўроларни халқимизнинг бебаҳо дурдоналарини қайта тиклаш хаёлларига ҳам келмасди...

Ниҳоят, мустақиллик шамоллари эсиб, ўтмишимизга бўлган муносабат тубдан ўзгаргандан кейин Темурнинг кўзларида қалққан армон ёшлари севинч ёшларига айланди. Ҳозир Самарқанд шаҳрида таъмирланмаган, асл ҳолатига келтирилмаган бирорта ҳам осори-атиқа қолмади.

Юртбошимиз Ислом Каримов аждодларимизнинг маънавий бойлигини бугунги авлодларга қайтариб берди. Таъмирлаш туфайли гарди ювилган нилий гумбазлар яна қуёш нурида ярқирай бошлади. Темур Самарқанд шаҳри кўчалари бўйлаб яна кўкрагини тоғ қилиб, фахрланиб юра бошлади...


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номли Давлат адабиёт музейининг бош рассоми Темур Саъдулла билан суҳбатлашиб хаёлимдан юқоридаги гапларни ўтказдим. 60 ёшни қаршилаган, 40 йиллик ижодий фаолиятга эга бўлган мусаввирнинг тилидан ижоднинг бу тури, унинг машаққатлари ҳақида эшитиш жуда завқли эди. 2000 йилда "Йилнинг энг яхши рассоми" номинациясида ғолиб чиқиб, "Офарин" мукофотига сазовор бўлган, ўтган йили эса Ўзбекистон Бадиий академиясининг кумуш медалини олиш ғаллароллик оддий қишлоқ йигитига насиб этгани мени ҳайратлантирарди. Мен бунда мустақиллик берган улкан имкониятларнинг мевасини кўргандай бўлдим.

- Рассомлик бу оддий одамлар эътибор бермайдиган чизгиларни илғай олиш, уларнинг замирига маъно, фикр юклаш санъати бўлса керак, - дейди Темур Саъдулла. - Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Чингиз Аҳмаровлар миниатюра санъатини юксак чўққиларга кўтариб, кичкина чизиқларга катта-катта туйғуларни жойлаштиришда шуҳрат қозондилар. Уларнинг санъатини ҳозир бутун жаҳон тан олади. Миниатюра санъатини тушуниш учун теран ақл, тийрак кўз, ўткир мушоҳада керак бўлади. Улуғ санъат даҳоларининг булоғидан сув ичган, талантли рассом Темур Саъдуллани тушунса бўлади. Биз унинг асарларини кўриб, рассомлик санъати яратган томонидан бандасига ато этилган буюк неъмат эканлигига амин бўлдик. Биз улуғ Алишер Навоийнинг "Хамса" асари асосида яратилган, бешта достон туйғуларини акс эттирган залда турибмиз. Рассом уни ҳазрат Навоийнинг 550 йиллик юбилейи муносабати билан яратган. Беихтиёр қалбимизга Навоий, унинг қаҳрамонлари кириб келаётганга, руҳимизни софлантираётганга, бизда шундай аждодларимиз борлигидан фахрланишга ундаётганга ўхшайди. Мана "Ҳайрат-ул аброр" достонидан битта кўриниш. Ўтинчи чолга элга тўй бераётган соҳиб ўзининг ҳотамтойлигини миннат қилмоқда. Меҳнаткаш киши ўзининг хислати билан ундан устун эканлиги расмда яққол акс этган. Деворлардаги санъатни кўриб, мушоҳада қиласиз. Шунда Шайх Саъдийнинг:

"Ўз меҳнати билан
нон еган киши,
Ҳотам миннатидан
озод ёз-қиши"


деган сўзлари ёдингизга тушади. Залда етти гўзал суҳбатидаги шоҳ Баҳромни, арман қизига ошиқ бўлиб қолган Фарҳодни, Лайли билан Мажнунни, меъморлар билан суҳбатлашаётган Искандар Зулқарнайнни кўриб, Навоий бобомиз ҳозирги кунларда ҳам бизни ғоят долзарб ва ўткир муаммоларни ҳал этишга ундаётганини ҳис қиласиз.

Ҳа, буюклар ҳамма замонлар учун масъулдирлар. Биз инсоний туйғуларни юксак пардаларда куйлаган аждодимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Буни бизга рассом Темур Саъдулла ҳам ўз асари билан таъкидлаётгандек.



Темур Саъдулла ўз асарларини Россия, Голландия, Покистон каби чет эллардаги кўргазмаларда намойиш этган иқтидорли рассомдир. Унинг асарларига назар ташлар экансиз, бўёққа ранглар, чизгилар орқали жон киритганининг гувоҳи бўласиз. Хаёл кўзи билан қарасангиз, ҳозир суратдаги қиёфалар жонланадию сиз билан мулоқот қила бошлайди...

Темур Саъдуллага ҳамкасблари, асарларини томоша қилганлар миллий туйғуларимизни ёрқин акс эттирадиган ижодкор сифатида баҳо берадилар. Унинг Бухородаги "Афшона" чойхонаси деворларига ишлаган суратлари, "Алпомиш ва Барчин" полотноси, Ҳамид Сулаймоннинг портретлари бунга яққол мисол бўла олади. Айниқса халқ эпоси бўлган "Алпомиш" достонига ишланган "Алпомиш ва Барчин" асари томошабин қалбида нозик ва мумтоз туйғуларни қўзғайди. Бу асар достонни тўлдиради, янги қирраларини очади. Мангу обиданинг умрбоқийлигига ишора қилади. "Оналик бахти", "Устоз ҳузурида", "Наврўз лавҳалари", "Амир Темур қизлари", "Етти гўзал", "Муқанна", "Навоий ва чўпон" ва бошқа асарларида ҳам ўзбек миллий туйғуларининг расмлар орқали бўртиб турганини кўрамиз.



Навоий бобомиз ишқ бошланади, тугамайди, деганлар. Темур Саъдулланинг асарларидаги ранглар бугун томошабинлар қалбида акс-садо бермоқда. У Ўзбекистонда китоб безатиш санъати, мўъжаз ранг-тасвир миниатюра соҳасида таниқли рассомлардан биридир. Темур Саъдулланинг расмларида инсоннинг содиқ дўсти, ёрдамчиси, керак вақтда халоскори - от образи асосий ўринлардан бирини ташкил этади. Унинг отаси от ишқибози бўлган, уйида ҳамиша от сақлаган. Кўпкариларда қатнашган. Темур ҳам бу туйғуларни илк бор ёшлигида ўзига юқтирган, десак бўлади. Шунинг учун деярли барча асарларида кўнгилга юксак туйғулар улашувчи от мўралаб тургандек бўлади.

- Мўйқаламнинг турли жанрларида мингга яқин расм чизибсиз, энди сизни ҳам устозлар қаторига қўшсак бўлаверади, - ҳазиллашдим хайрлашув чоғида рассом билан. - Ижодингизнинг юксак чўққиси ҳақида билгим келаяпти.

- Ҳали олдинда,- дейди у жилмайиб. - Ижоднинг юксак чўққисига чиқдим, дегани рассомнинг тамом бўлди, деганидир. Шунинг учун мен ҳамиша чизолмаган суратларим ҳақида қайта-қайта ўйлаб, ижод қилишдан чарчамайман.

ЯНГИЛИКЛАР

Мухтасархон КАРИМОВА

Соғ танда соғлом ақл

САМАРҚАНД. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ҳамда "Соғлом авлод учун" жамғармасининг вилоят бўлимлари ҳамкорлигида вилоят, шаҳар ва туманларнинг чекка қишлоқларида истиқомат қилаётган хотин-қизлар ўртасида 8 март - Хотин-қизлар куни муносабати билан "Соғ танда соғлом ақл" шиори остида спартакиада ўтказилди. 4850 нафар хотин-қиз спортнинг саккиз тури: стол тенниси, волейбол, шахмат, шашка, баскетбол, арқон тортиш, стритбол, енгил атлетика турлари бўйича беллашди. Булунғур, Пахтачи, Пастдарғом, Каттақўрғон тумани ва Самарқанд шаҳри хотин-қизлари юқори кўрсаткичларга эришиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

"Наврўз-2009"

Наврўз умумхалқ байрамини муносиб кутиб олиш борасидаги дастур асосида "Наврўз", "Баҳор", "Табиат" ва "Севги-муҳаббат" мавзуларида яратилган куй-қўшиқлардан иборат вилоят фольклор-этнографик жамоаларининг "Наврўз-2009" вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда 16 та жамоа икки қисмли шартлар бўйича ўзаро беллашдилар. Ушбу кўрик-танловда "Сарбози", "Чавқи", "Бешқарсак", "Миёнкол", "Тўтижон", "Чинор" фольклор-этнографик жамоалари ҳакамлар ҳайъати ва томошабинлар олқишига сазовор бўлди ҳамда ҳомийлар томонидан мукофотланди.

СПОРТ

Одилжон КАРИМОВ

Навбатдаги тур

Ўтган ҳафтада футбол бўйича Ўзбекистон профессионал лигасининг 2-тур баҳсларига якун ясалди.



Тошкентнинг "Бунёдкор", Қаршининг "Насаф" ҳамда пойтахтнинг бошқа бир жамоаси "Локомотив" клублари ҳали мағлубиятга учраганларича йўқ. Темирйўлчилар дастлабки турда "Андижон" устидан 1:0 ҳисобида устун келишди. 2-турда эса ўтган мавсумнинг бронза медали соҳиби "Нефтчи"ни мағлуб этди. Қуйида турнинг қолган учрашувлари натижаси билан танишинг: "Андижон"-"Пахтакор" 0:0, "Машъал"-"Динамо" 2:1. "Бунёдкор"-"Қизилқум" 4:0, "Хоразм"-"Сўғдиёна" 2:2, "Шўртан"-"Навбаҳор" 0:1, "Бухоро"-"Насаф" 0:1, "Олмалиқ"-"Металлург" 2:1.

3-турнинг марказий учрашуви 22-23 март кунлари "Пахтакор"-"Локомотив", "Нефтчи"-"Бунёдкор" ҳамда "Насаф"-"Андижон" жамоалари ўртасида бўлиб ўтиши кутилмоқда. Турнинг қолган учрашувларида "Навбаҳор"-"Бухоро", "Металлург"-"Шўртан", "Сўғдиёна"-"Олмалиқ", "Динамо"-"Хоразм" ва "Қизилқум"-"Машъал" клублари беллашадилар. Эслатиб ўтамиз, "Пахтакор" кеча сафарда Осиё чемпионлар лигаси баҳслари доирасида "Ал-аҳли" (БАА) жамоасига қарши майдонга тушди. Бугун эса "Бунёдкор"-"Ал-иттифоқ" (Саудия Арабистони) жамоалари ўртасида баҳс кечади.

Кучлилар сараланди

Самарқандда кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 500 нафардан зиёд спортчи иштирок этиб, 15 та вазн тоифасида ўзаро беллашишди. Чемпионатнинг очилиш маросимида сўзга чиққан кураш халқаро ассоциацияси президенти К.Юсупов мамлакатимизда спортнинг оммавийлигини ошириш, спортчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтди. Айниқса, ўзбек миллий курашининг кўплаб хорижий мамлакатларда оммалашаётгани, халқаро спорт мусобақалари тақвимига киритилгани қувонарли ҳолдир.

Чемпионат полвонлар орасида Осиё ва жаҳон миқёсида ўтказиладиган мусобақаларга номзодлар танлаб олишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, мусобақада ҳар бир полвон ўзининг руҳий ва жисмоний тайёргарлиги, усул ва тактикасини намойиш этади. Уч кун давом этган чемпионат якунида самарқандлик Суҳроб Худойбердиев, Ўткир Саломов, пойтахтлик Давлат Чориев, қизлар орасида фарғоналик Муқаддас Кўбиева, қашқадарёлик Динара Данаева, тошкентлик Шоҳида Назарова ўз тоифаларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

ЎГИТ

Кимки дўстига қабоҳат айласа,
Мард йўлин тўсгувчи номарддир ўша.
* * *
Нурга тўлмишдир адаб бирлан фалак
Ҳам адабдин маъсуму покдир малак.

БИЛАСИЗМИ?

Ҳар йили сейсмологлар 500 мингга яқин ер силкинишларини қайд этишади. Одамзот эса уларнинг бор-йўғи 100 мингтасини сезади, мингдан ошиқ ер силкинишлар натижасида катта зарар кўради.

* * *

"Вулқон" сўзи Ўрта ер денгизида жойлашган Вулкано ороли номидан олинган. Ўз навбатида орол қадимги грек маъбуди оловли Вулкан шарафига шундай номланган.

* * *

Энг узун ва давомли лава 1783 йил Исландиянинг жанубий-шарқида отилгани қайд этилади. Лаки вулқонидан отилган лава ўшанда нақд 65-70 километрга чўзилган экан.

ТУРФА ОЛАМ

"Тўхташ ман этилади"

Британиялик олимлар бир неча дарахт хилларига ана шундай антиқа ном беришди.



Аслиятида Sorbas No Parking деб номланувчи ушбу дарахтлар кеча ёки бугун аниқланган эмас. Маълумотларга қараганда, бу каби дарахтлар ўтган асрнинг 30-йилларида мустақил равишда ўса бошлаган экан. Унинг антиқа номига келсак, ўшанда олимлар дарахтларга зиён етмаслиги учун "бу ерда автомашина тўхташи ман этилади" деб ёзилган тахтачани осиб қўйишади. Шу-шу одамлар бу дарахтни шундай атаб келишади. Олимларнинг таъкидлашича, ҳозирча фанга ана шу хилдаги дарахтларнинг 14 таси маълум экан.

Бир бутун орол...

Янги Зеландия ва Янги Каледония австралиялик олимларнинг фикрича, қачонлардир бир бутун орол бўлган эмиш.



Олимлар ўз тажрибаларини компьютер ёрдамида амалга оширишган. Текширувлар нафақат Янги Зеландия ёки Янги Каледонияда, балки Австралиянинг шарқий қисмида жойлашган Фиджи, Вануату ва Янги Гвинеяда ҳам олиб борилган. Натижада, Янги Зеландия ва Янги Каледония ўртасида талай ўхшашликлар борлиги аниқланган. Айниқса, бу нарса оролларнинг об-ҳавоси, табиати, геологик тузилиши ва вулқонлар фаоллигида яққол кўзга ташланган. Шунингдек, ороллар ҳудудидаги тектоник плиталар, тоғ жинслари ҳам компьютер томографида текшириб кўрилган. Маълум бўлишича, Австралия ва Янги Зеландияни 1100 километр чуқурликда ҳосил бўлган, қалинлиги 70 километрга чўзилган тектоник плита ажратиб тураркан. Шунга кўра, олимлар бундан 50-20 млн. йил аввал сув тубига ғарқ бўлган тектоник плиталар Янги Зеландия ва Янги Каледонияда вулқонлар ҳосил қилган бўлиши мумкин, деган фикрга келишган.

Чўнтак тостери

Кореялик муҳандис Ким Бин нонни тезда қовуриб берадиган чўнтак тостерини ўйлаб топди.

Энг асосийси, Ким Биннинг тостеридан ҳар қандай шароитда, ҳатто кўча-кўйда ҳам фойдаланиш мумкин. Мослама нанотехнология асосига қурилган бўлиб, электр қувватини углерод заррачаларидан олади. Мазкур тостер бир қарашда пичоқ ёки торт кесиш учун мўлжалланган куракчани ҳам эслатади. Ундан фойдаланиш эса жуда осон. Мосламанинг тугмасини босиб, нон бўлаги қизаргунга қадар ушлаб турилади, холос. Чўнтак тостерида қовурилган нон атиги 2-3 дақиқа ичида тайёр бўлади. Мосламани биргина камчилиги бор. У ҳам бўлса, тостер бир вақтнинг ўзида ноннинг иккала тарафини қовуриб беролмайди.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

"Олмалиқшаробсавдо" шўъба корхонаси Давлат реестридан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги муносабати билан **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

"Олмалиқшаробсавдо" шўъба корхонаси, "Ўзвиносаноат-холдинг" компанияси бошқарувининг 4 февраль 2009 йилдаги кенгайтирилган мажлисининг № 7- Баённомаси қарорига асосан бундан буён "Унитар" корхона номини олганлигини маълум қилади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-223, Адади — 5870

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Сарвар ХУРРАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.00.

1 2 3 4 5 6 7